

БОҚИЙ ФИКРЛАР

Давр бизнинг
олдимизга қўяётган
талабларни билиш,
уларни чуқур англаш
учун, албатта,
замонавий билим зарур.

Ислом КАРИМОВ



ЎЗБЕКИСТОН
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
Kuch - bilim va tafakkurda
Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqa boshlagan 2010-yil 12-may, chorshanba № 37 (8270) ISSN 2010-6416

САБОҚЛАР САМАРАСИ изланиш ва масъулиятга боғлиқ

May - xorijiy tillar fanlari oyligi



Яратилган шарт-шароитлардан самарали фойдаланган ҳолда ёшларга янада чуқурроқ билим беришда педагоглардан доимо изланиш, масъулият талаб этилади.

Пойтахтимиздаги 84-мактабда «Май — хорижий тиллар фанлари ойлиги» муносабати билан 5—7-синф ўқувчилари ўртасида деворий газеталар, рефератлар тайёрлаш бўйича кўрик-танлов бўлиб ўтди. Фан ойлиги режасига асосан ташкил этилган ушбу тадбирда инглиз тили фани ўқитувчилари — Мухтабар Обидова, Ноила Пўлатова ҳамда Мавлуда Собирова фаол иштирок этдилар.

Тадбирни ўтказишдан мақсад, педагогларнинг касбий маҳоратини чархлаш, ўқувчиларнинг инглиз тили фанига

бўлган қизиқишларини кучайтириш, билимларини оширишдан иборат.

Унда иштирок этган ўқувчилар билим ва заковатларини намойиш этиб, ўз қўллари билан тайёрлаган ижодий ишлари билан танловнинг мазмунли ўтишини таъминладилар. Устозлар тадбир давомида шогирдларининг билим ва маҳоратларидан, бераётган сабоқларининг бесамар кетмаётганлигидан мамнун бўлдилар.

Танловда фаол қатнашган ўқувчиларга мактаб раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқлар ва рағбатлантирувчи совгалар топширилди.

Б.РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.

ГАЗЕТАНИ
ВАРАҚЛАГАНДА:

НИЯТ
УЛУФ
БЎЛДИН...

3-бет

БОЛАЛАРГА
БЕРАЙЛИК...
КИТОБНИ!

8—9-бетлар

МАНГУЛИККА
МУХРЛАНГАН
МАЪНАВИЙ
МЕРОС

11-бет

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

Мўғулистоннинг Улан-батор шаҳрида пауэрлифтинг бўйича йигирмага яқин давлатдан спортчилар иштирок этган Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси еттита олтин, ўн олтита кумуш ва учта бронза медалга сазовор бўлди.

Нуфузли мусобақа голиб ва совриндорларини Тошкент халқаро аэропортида Ўзбекистон пауэрлифтинг федерацияси вакиллари, спорт жамоатчилиги, мухлислар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кутиб олди.

(Давоми 15-бетда.)

Faxr



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган сурат.



Ал-Хоразмий номидаги Урганч давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг табиий фанлар йўналиши, 3-босқич ўқувчиси Наврўзбек Жабборов Озарбойжон Республикасининг Боку шахрида бўлиб ўтган кимё фанидан халқаро 44-Менделеев олимпиадасидан III даражали диплом билан тақдирланиб, бронза медалини олиб қайтди.



ИЛМГА ТАШНА ҚАЛЪ

Faxr



Шовот туманининг Чўқли қишлоғида туғилган 17 яшар йигит дунёнинг турли минтақасидан ташриф буюрган тенгдошлари билан беллашиб голиблик нашидасидан баҳраманд бўлган кун уни бутун Хоразм олқишлади гўё...

— Яқиндагина, апрель ойининг бошларида Тошкент шахрида бўлиб ўтган халқаро 44-Менделеев олимпиадасининг республика саралаш босқичида қатнашиб 2-ўринни эгалладим, — дейди Наврўзбек Жабборов. — Мазкур жараёнда 33 нафар ўқувчи иштирок этди. Энг юқори баҳо олган ўғил-қизларнинг 4 нафари имтиёзли, яна 4 нафар ўқувчи эса қўшимча равишда танлаб олинди. Голиблар дея эътироф этилган 8 нафар ўқувчи Озарбойжонда бўлиб ўтадиган энг нуфузли олимпиадада МДХ давлатлари, Македония, Литва, Латвия — жами 17 давлатдан келган 88 нафар ўқувчининг билимлар борасидаги беллашуви жуда қаттиқ ва мurosасиз тарзда ўтди. Кимё фанидан уч тур бўйича билимларимиз синовдан ўтказилди. Биринчи назарий тур — асосан умумтаълим мактаби дастури асосида, иккинчи тур — кимёнинг бешта бўлимидан 15та масалани ечишга қаратилди. Учинчи тур — амалиётга бағишланди. Бу тур бўйича синов-лаборатория тажриба ўтказиш, яъни, органик моддаларнинг сифат ва миқдор таркибини аниқлашдан иборат эди. Мен бу турлар бўйича 70 балл олишга муваффақ бўлдим. Бу яхши кўрсаткич саналиб 2-ўринга сазовор бўлмоқликни билдирар экан. Умумий натижа бўйича бронза медалига муносиб баҳоландим. Ўзбекистонлик ўқувчилар мазкур билимдонлар беллашувида ўз иқтидорларини, қобилиятларини намойён этишди. 2та медал, 8та диплом билан қайтишга муваффақ бўлдик. Самарқандлик Дониёр Насриддинов ҳам бронза медалини олишга эришди.

Илм-маърифат нурлари-

дан баҳраманд бўлиб қайтган Наврўзбекнинг фикрлари ёрқин. У олимпиада иштирокчилари Боку давлат университетидан бўлиб, таълим-тарбия жараёни билан танишганликларини қувонч билан хикоя қилади. Озарбойжонда ўтган кунларининг завқли кечганини, турли хил саёхатларга чиқишганини, қардош мамлакатнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишганини, айниқса, «Қиз қалъаси» деб аталадиган қадимий ёдгорликни зиёрат этганликларини таъкидлади.

Билимли, дунёқараши кенг, тушунчаси равон ўқувчининг муваффақиятлари сири ҳақида сўраймиз.

У эса камтарлик билан академик лицейда ўқувчиларнинг билим олишлари учун катта имкониятлар яратилганлигини айтади. Ютуқларининг замирида устози Дилшод Душамовнинг алоҳида хизматлари борлигини эътироф этади.

— Чунки устозим билан тўрт йилдан буён биргемиз, десам муболаға бўлмас, — дейди иқтидор соҳиби, — Тўрт йилдирки, фанлар олимпиадасида иштирок этиб юқори кўрсаткичларга эришиб келяпман. Ўқув даргоҳимизда фаолият кўрсатаётган, устозим бошқараётган кимё тўгаранининг аъзосиман. Шунингдек, гоҳида бўш пайтларимда Ахборот-ресурс марказидаги интернет тармоғига уланган компьютерлар ёрдамида Менделеев олимпиадасининг масалаларини ечиш билан шуғулланаман...

Хоразмнинг энг чекка туманидаги, энг чекка қишлоқда улғайиб камолга етган иқтидорли ўғлоннинг галабасидан нафақат устозлари, дўстлари, синфдошлари, балки отаси Икром, онаси Зулхумор ҳам кўзларида қувонч ёшлари билан фарзандининг хурсандчилигига шерик бўлишаётир. Устоз учун ҳам, ота-она учун ҳам, у туғилган замин — муқаддас Ўзбекистон учун ҳам бундан тотлироқ қувонч бормикан!

Феруза ТАНГРИБЕРГАНОВА
"Ma'rifat" мухбири

МЕХНАТНИНГ ИЛК НАТИЖАСИ

Буни яқинда Озарбойжоннинг Боку шахрида ўтказилган кимё фани бўйича 44-Менделеев номидаги халқаро олимпиадада Ўзбекистон терма жамоаси таркибида иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган ўқувчилар яна бир бор исботлашди.

Дарҳақиқат, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Фарғоний, Бухорий, Навоий ва Мирзо Улугбек сингари жаҳон аҳлини ўз билими, ақл-заковати ва тафаккури билан лол қолдираётган ёшлар ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Юртимизнинг фахрига айланган бу иқтидорли ўқувчилар орасида Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицейнинг учинчи курс ўқувчиси Дониёр Насриддиновнинг борлиги самарқандлик зиё аҳлининг ҳам қувончига сабаб бўлди. Дониёр дунёнинг 18та давлатидан иштирок этган тенгдошлари орасида ўзбек фарзандининг ҳеч кимдан кам эмаслигини, нималарга қодир эканлигини яна бир бор исботлаб, фахрли учинчи ўринни эгаллади ва жонажон Ватанига бронза медали билан қайтди.

Биз Дониёр ва унинг устозларини қутлаш ҳамда газетамизга мақола тайёрлаш мақсадида у таҳсил олаётган илм масканига борганимизда катта шодиёнаннинг устидан чиқиб қолдик. Лицей фаоллари залида вилоят ва шаҳар ҳокимлиги вакиллари, вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси раҳбарияти, академик лицей жамоаси, ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари иштирокида тадбир бўлаётган экан.

Сўзга чиққанлар Дониёр эришган юксак ғалаба билан унинг устозларини, ота-онасини, ҳамюртларини қутлашди. Бошқа ўқувчиларни ҳам ундан ўрнак олишга, яратилган имконият ва шароитлардан оқилона фойдаланишга чорладилар.

— Шогирдим ишончимизни оқлади, — дейди Дониёрнинг устози, "Шухрат" медали соҳиби Зойир Эшонқулов. — Унинг илмга чанқоқлиги, берилган вазифаларни қунт билан бажариши менга маъқул бўлган. Кимё фанига бўлган қизиқиши эса у билан қарашларимиз, кизиқишларимиз бир хил эканлигини англатди. Илм ўрганиш учун устози этагини маҳкам тутадиган Дониёр бўш вақт топдики, дарҳол ёнимга келар, ечолмаган мисол ва масалаларини ечишига ёрдам беришимни сўрарди. Биргаликда ўқиб-изланардик. У бошлаган ишини ҳар қанча мураккаб бўлса-да, охирига етказишга ҳаракат қилар, оғир-оғир мисол ва масалаларни, лаборатория ишларини бажарар, ўнлаб қўшимча адабиётларни ўқиб-ўрганиб чиқарди. Дониёр мана шу йўсинда фан олимпиадасига пухта ҳозирлик кўрди. Ўқувчимнинг халқаро

фан олимпиадасидаги бу ютуғидан қувончим чексиз. Келгусида шогирдимнинг мазкур фан бўйича илмий изланишлар олиб боришини, илмий иш қилиб, соҳанинг кўзга кўринарли вакили сифатида фаолият юритишини, юртимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўишини истайман.

Дониёр Насриддинов Пастдарғом тумани Болтали маҳалласида зиёлилар оиласида таваллуд топди. Етти ёшга тўлгач, уни тумандаги 26-умумтаълим мактабига ўқишга бердилар. Мактабда ўқиб юрган кезларида билими, зеҳни, одоб-ахлоқи ва юриш-туриши билан ўртоқларидан ажралиб турадиган Дониёрнинг кимё фанига бўлган қизиқиши ва иқтидорини ўқитувчилари пайқаб қолишди ва буни ота-онасига айтишди. Фарзанди

лимга эга бўлган Дониёр зиёли оилада дунёга келгани, ёшлигиданоқ ўқиш-изланишда бўлгани боис, оила аънасини давом эттирди.

— Ўғилларимнинг эришаётган ютуқлари билан фахрланаман, — дейди онаси Фотима Раззоқова. — Акаси олий ўқув юртига имтиёзли равишда ўқишга кирганида Дониёржон мен ҳам, албатта, акамдек, абитуриент бўлмасданоқ талаба бўламан, деб ният қиларди. Мана, Оллоҳга шукур, муддатидан олдин талаба бўлиш бахтига муяссар бўлди. Она сифатида қалбимдаги кечинмаларни эса таърифлашга тилим ожиз... Фарзандларимиз истиқболи учун шароит яратиб бераётган Юртбошимизга минг-минг раҳмат, дейман. Илоҳим юртимизга кўз тегмасин.



тақдирига, қизиқишларига жиддий қарайдиган ота-онаси устозлари билан келишиб, Дониёрни тумандаги 77-иқтидорли болалар мактабига беришга қарор қилдилар.

Иқтидорли болалар мактабида 7-синфдан ўқишни давом эттирган Дониёр 8—9-синф пайтларидан бошлаб фан олимпиадаларида иштирок этиб туман ва вилоят босқичида фахрли ўринларни эгаллай бошлади.

— Дониёр Насриддинов билан бугун нафақат биз — устозлари, ота-онаси балки бутун Ўзбекистон фахрланаётир, — дейди СамДУ қошидаги 2-академик лицей раҳбари Бахтиёр Усмонов. — Жорий йилда лицейимизнинг 10 нафар ўқувчиси фан олимпиадаларининг вилоят босқичида иштирок этган бўлса, шулардан 5 нафари республика босқичида қатнашди. Улар орасидан Дониёр республика босқичида голиб бўлиб, кимё фанидан халқаро олимпиадада иштирок этди.

Дониёрнинг акаси — мана шу академик лицейнинг собиқ ўқувчиси Илҳом Бекназаров 2007 йили ўтказилган фан олимпиадасида кимё фанидан республика босқичида голибликни қўлга киритиб, Тошкент тиббиёт академиясига имтиёзли равишда ўқишга қабул қилинганлигини алоҳида қайд этиш лозим. Устозлари ёрдамида кимё фанидан пухта би-

— Олимпиадада 18 давлат терма жамоалари таркибида жами 148 нафар ўқувчи-ёшлар иштирок этди, — дейди Дониёр Насриддинов. — Шартлар бўйича 1-, 2-турда назарий билимларимиз синовдан ўтказилди ва 3- турда лаборатория машғулотларини бажардик. Барча саволлар, лаборатория машғулотлари менга таниш бўлганлиги учун асло қийналмадим, аммо жуда ҳаяжонландим. Голиблар орасида менинг ҳам исм-фамилиям ўқиб эшиттирилгач, кўзимга ёш келди. Бу — севинч ёшлари эди. Шунда ўз меҳнатимнинг тотли самарасини ҳис этдим. Дастлаб кўз ўнгимда ота-онам, устозларим, ўртоқларим гавдаланди.

Келгусида ўз танлаган фан йўналиши бўйича олий ўқув юртида ўқишни давом эттирмоқчиман. Олган билимларимни мамлакатимиз ривожини учун ишлатмоқчиман. Ота-онам орзу қилганидек халқига хизмат қиладиган инсон бўлиб етишиш ниятидаман.

Мазкур ютуқ юртимизда, ўқув муассасаларида яратилган шароитлар, Президентимиз томонидан ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор ҳамда ўқувчи-ёшларнинг қобилиятини тўғри йўналтира биладиган малакали педагог-ўқитувчиларнинг меҳнатлари самарасидир.

Ҳаким ЖўРАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири



Тошкент шаҳар Яққасарой туманида хушхабар тарқалди. Тумандаги 118-мактабнинг тарих фани ўқитувчиси Бибисора Ҳасанова мамлакат миқёсида иккинчи бор тенгсиз деб топилди. Республикада «Йилнинг энг яхши педагоги» номига мушарраф бўлиб, голиблик шохсупасига кўтарилибди.

Аслида бугунги кун педагоги қандай бўлиши, ўзида қандай хислат ва фазилатларни мужассам этиши зарур? Саволнинг бундай қўйилишидан бироз таажжубланган газетхон «Албатта, ўз касбининг билимдони бўлиши керак-да!» дейиши табиий. Тўғри, ўқитувчи-мураббийнинг билимдонлиги муҳим фазилат. Лекин фақат шунгина эмас. Ўқитувчи ўзидаги бор билимини ўқувчиларга етказа олиши, яъни педагогик маҳоратга эга бўлиши ҳам лозим. Замонавий илғор усуллари қўллаб олиши, янги педагогик технологиялардан ўринли ва самарали фойдаланиши катта аҳамиятга эга. Шундай деймизу, яна савол туғилаверади. Фақат шу уч фазилат бўлса, кифоями?

— Бугунги кун ўқитувчиси эга бўлиши зарур бўлган фазилатларни агар бирмабир санайдиган бўлсак, бунда энг аввало фидойиликни айтмоқ жоиз, — дейди Тошкент шаҳар ПКҚТМОИ ректори, педагогика фанлари доктори Ҳамидулла Йўлдошев. — Шу билан бирга у болалар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, инсонийлиги билан ёш кўнгилларда эзгу мақсад-муддаоларни пайдо қилиши ҳамда уларга эришишда гайрат-шижоатни уйғота олиши зарур. Бибисоранинг ташкилотчилиги, изланувчанлиги, фидойилигига бир неча бор тан берганман. У «Йил ўқитувчиси-1998» республика кўрик-танловида бор маҳоратини ишга солиб, голиблик шохсупасига кўтарилганди...

«Йилнинг энг яхши педагоги»

га ёрдам беради. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди. Савол-жавоблар жуфтликда ишлаш ва гуруҳларда фаолият кўрсатиш жараёнида амалга оширилади. Натижада ўқувчилар фаоллиги ошиб боради. Бибисора бошчилигидаги жамоа бу каби усуллари кенгроқ тарғиб этиш мақсадида билим масканида бир неча семинар ташкил этди. Унда мактабнинг физика фани ўқитувчиси Зулайҳо Машарипованинг «Ўқувчилар билимида бўшлиқ ҳосил бўлишининг олдини олиш», ҳуқуқ фани ўқитувчиси Сирожида-

лором Жўраева. — Ёз бўйи спорт, мусиқа тўғарақлари фаолият юритади. Бундан ташқари, ҳар бир ўқувчини бадиий китоблар ўқишга рағбатлантириш чоралари кўрилади.

Муваффақиятларингиз сирини нимада?

Ўқувчиларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган бу каби тадбирлар боис ўғил-қизлар китобхонлиги юксалиб, ҳар хил ноҳўя хатти-ҳаракатларнинг олди олинаяпти. Баъзан Бибисорадан муваффақиятлар сирини нимада, деб сўрашади.

— Жавобим оддий, — дейди у. — Устоз-ўқитувчиларни — «суянч тоғларим»-ни номма-ном санайман ва уларнинг қандай усул ва услубларда дарс ўтишини, ўқувчиларнинг саводхонлигини юксалтириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш каби бир неча йўналишдаги тажрибаларимни айтиб бераман.

Донишманддан сўрашибди: — Ҳаётда ким, қайси аёл гўзал?

— Бола кўтарган аёл, — дебди ҳеч иккиланмасдан у.

Донишманднинг жавобида ўзига хослик мавжуд. Ўзига хослиги шундаки, бунда мурғак гўдакни, ўғил-қизларини эзгуликлар сари етаклаб, ҳаёт завқи, унинг заҳматини амалда исботлаб кетаётган аёл сурати ва сийрати мужассам. Яна унинг ўзига хос жиҳатларини санар эканман, ўз фарзандларидан ортиб, 831 нафар ўқувчини «Болам, фарзандим» дея бағрига босиб, ташвишу қувончларни ортомоқлаб дадил одимлаб бораётган аёл, она, устоз гавдаланади. Баркамол авлод таълим-тарбиясига қаратилган бу қадар улкан кучни қаердан олаётган экан, деган фикр хаёлимдан ўтиб, тилимга кўчади.

— Ҳа, мактаб ишлари, ноанъанавий дарслар, рўзғор юмушлари жуда катта кучқудратни талаб этади. Лекин инсон ўзидаги руҳий ҳамда жисмоний имкониятдан тўғри фойдаланса, ҳамма нарсага улгуради, — дейди у ишонч билан. — Бунинг учун ният улғ бўлиши, инсон шунга яраша меҳнат қилиши, улкан орзулар билан яшаши жуда муҳим. 1998 йили 36 ёшимда «Йил ўқитувчиси» кўрик-танловида республикада биринчи ўринни эгаллаган эдим. Орадан 12 йил ўтди. Яна шу маррани эгаллашга мушарраф бўлдим. Энди «Устоз-шоғирд» мактабини яратаман. Орзуларим жуда кўп. Аввало, фарзандларимнинг жамиятда ўз ўринларини топиларини хоҳлайман. Ўқувчиларимнинг интеллектуал салоҳиятларини юқори даражага кўтариш, мактабнинг ҳар томонлама XXI асрга мос бўлишига эришишга устозларимга, ҳамкасбларимга суянган ҳолда интиламан.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ, «Ma'rifat» мухбири

Ижодкорона ўтилган дарс ўқувчини хайратлантиради

— Ўнинчи синфда ўқиётган пайтимда мактабимизга Бону Қодирова исмли тарих фани ўқитувчиси ишга келди, — деб эслайди Бибисора. — У замонавий билимлар эгаси, шу билан бирга миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни ўзининг бутун хатти-ҳаракатида, гап-сўзида, муомаласида акс эттирган интилувчан муаллима сифатида қалбимни ром этди, худди унингдек тарих фани ўқитувчиси бўлишга қизиқиш уйғотди. Ана шу ҳавас 1980 йили Низомий номидаги ТДПИ (ҳозирги университет)нинг тарих факультетида ўқишга киришимга сабаб бўлди.

Бибисора институтда ўқиш жараёнида устозларининг илмга, ўқитувчилик касбига оид ўғитлари, панд-насихатларини ён дафтарида қайд этиб борди. Айниқса, у айни пайтда бирон-бир ишга киришишдан олдин ёзиб олинган ўғитлар, улугларимиз томонидан айтилган «Ният улғ бўлсин, шунга яраша меҳнат ҳам» (Абу Райхон Беруний), «Одамлар учун ҳақиқий хазина — меҳнат қила билишдир» (Эзон), «Сизни улғуликка ундайдиган ҳеч бир нарсага эътиборсиз бўлманг» (Стендаль) каби ҳикматларга назар ташлаб олади. Бибисора йиллар синовидан ўтган боқий фикрларга амал қилиб, дарс ва машғулотларга қўшимча адабиётлардан фойдаланган ҳолда жиддий тайёргарлик билан қиради. У ҳар бир дарс синфхоналарда таҳсил олаётган болалар, уларнинг камолоти учун замин яратадиган муҳим жараён деб ҳисоблайди.

— Бугунги кунда таълим тизимида олиб борилаётган чуқур ислохотлар ноанъанавий дарсларни, янги педагогик технологияларни қўллашни тақозо этаётир, — дейди Тошкент шаҳар ХТББ мутахассиси Нозима Тожибоева. — Бибисора Ҳасанова бу ҳақиқатни англаган ҳолда дарсларга ўзига хос янгилик билан киришга ҳаракат қилади. Ўзи бу хусусда шундай дейди: «Дарс бу иш фаолиятининг энг сермазмун онлари. Чунки 45 дақиқа ичида мен ўзимдаги бор билимимни унга эҳтиёжманд бўлган ўқувчиларимга беришдек бахтга ҳар

НИЯТ УЛУҒ БЎЛСИН...

куни мушарраф бўламан...».

«Ватанни сев, дегилки жон бу»

Дарвоқе, Б.Ҳасанованинг «Ўзбекистон тарихи» (7-синф) фанидан «Мўғуллар босқини» мавзусида ўтган дарсини кузатиб, унда изланувчанлик хислати устуворлигига амин бўлганман. Чунончи, ўқитувчи дарс аввалида ўғил-қизларга ватанпарварларнинг душман ҳарбий куч ва зиркли қуроллари туфайли устунлигига қарамай, ўз она шахри мудофасига ғоят баланд руҳ билан киришганликларини баён қилди. Улуғ аллома Нажмиддин Кубронинг «Ё Ватан, ё шарофатли ўлим» деган даъваткор хитоби билан шаҳар ҳимояси ва қонли кураш беш ой давом этгани, мудофаачилар қадрдон шаҳрининг ҳар қарич ерини мардона ҳимоя қилганликлари, мардликка ундаган куч — юрт мустақиллиги, озод ўлка орзуси экани хусусида тушунча берди.

Аждодларимиз томонидан Ватан озодлиги, юрт шаъни учун қилинган саъй-ҳаракат ўқувчиларни мутаассир қилди. Дарс ўғил-қизларни ватанпарвар бўлишга, юртнинг ҳар бир қарич тупроғини севишга ундаш билан ниҳояланди. Бибисора ўтган дарснинг хулосаси шуки, «Ватанни сев, дегилки жон бу».

«Таклифингиз борми, марҳамат!»

Дарслик бола учун ўзига хос дастур вазифасини ўтайди. Дастур асосидаги тушунчаларни ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ўқитувчининг истеъдоди, билими, маҳоратига боғлиқ. Методбирлашмалардаги йиғилишу тадбирлар ўқитув-



чилар билимига сайқал беради, малакасини, тажрибасини оширади.

— 1999 йилдан буён мактаб раҳбариман. Шу билан бирга ўзимнинг тарих ўқитувчиси сифатидаги масъулиятимни унутмаганман. Ҳар бир ишда ўзим биринчи бўлиб ўрнак бўлишга, методбирлашма йиғилишларида янгиликлар тўғрисида гапиришга ҳаракат қиламан.

Дарҳақиқат, мактабда педкэнгашлар, методбирлашмадаги йиғилишлар қизгин ўтади. Ўқувчиларнинг билим самарадорлиги таҳлилга тортилади, илғор тажриба бўйича фикр алмашинади. Йиғилишлар жараёнида у ўқитувчиларга қарата «Таклифингиз борми, марҳамат!» дея юзланиб, уларни таълим-тарбия юзасидан фикр билдиришга ундайди, фаолликка чорлайди. Шунинг баробарида у таълим мазмунига алоҳида эътибор қаратади. Ўқитувчилар дарсларини кузатиб, таҳлил қилишдан эринмайди. Ҳамкасбларининг кичик бўлса-да, янгилик жорий этиш ниятида юрганини кўрса, қувониб кетади, қўллаб-қувватлайди.

Биласиз, интерфаол — «ўқувчи+ўқитувчи», «ўқитувчи+ўқувчи» ўртасида бўладиган мuloqot усули, у дарс самарадорлигини ошириш-

дин Чориевнинг «Ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантиришда ўтмиш мутафаккирлар ҳикматлари аҳамияти», иқтисод фани ўқитувчиси Жамила Тошхўжаеванинг «Бозор иқтисодиётига ўтишда ўзбек моделининг аҳамияти», бошланғич синф ўқитувчиси Соҳиба Қўлдошеванинг «Дарсларда интерфаол усуллардан фойдаланиш орқали ўқувчиларни жамоа бўлиб ишлашга ўргатиш» мавзуларида қизиқарли маърузалар қилишди.

Айни кунда мактабда меҳнат қилаётган устоз-мураббийларнинг ҳар бири замон билан ҳамнафас бўлган ҳолда 831 нафар ўқувчига сифатли таълим-тарбия бериш йўлида изланишяпти. Бу йил илм масканини 161 нафар ўғил-қиз битиради. Йил давомида битирувчилар билан уларнинг қизиқишлари, лаёқатлари, физиологик ва психологик хусусиятлари инobatга олинган ҳолда касб-хунарга йўналтириш ишлари олиб борилди. Ўғил-қизлар билан ўтказилаётган суҳбатлар, учрашувлар ва касб-хунар коллежларига экскурсиялар ўз самарасини бераётир.

Яқинда ўтказилган «Китоб марафони»да битирувчилар ўзлари севиб ўқиган китобларни қадрдон мактаби кутубхонасига совға қилишди. Бундан ташқари, кутубхонага лотин ёзувиге асосланган ўзбек алифбосида чоп қилинган юзга яқин номдаги китоб харид қилинди.

— Мактабимизда ҳар йили ўқувчиларнинг ёзги таътилини ташкил этиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилади, — дейди илм маскани кутубхоначиси Ди-



✓ МИЛЛИЙ ҒОЯМИЗНИНГ АЖОЙИБ ТАМОЙИЛЛАРИДАН БИРИ — ВАТАН БИЛАН БОҒЛИК БЎЛГАН ТАРИХИЙ ХОТИРАНИ АВЛОДДАН-АВЛОДГА ЕТКАЗИШ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ «ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ» БУТУН МАМЛАКАТИМИЗДА УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИШ, УЛАРГА ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИШ КАБИ ЧИРОЙЛИ АНЪАНАЛАРИМИЗДАН БИРИГА АЙЛАНИБ ҚОЛМОҚДА.

Айтиш керакки, Тўрткўл туманидан иккинчи жаҳон урушига 13000 киши сафарбар этилган бўлса, шулардан 10000 нафари қайтмади. 3000 киши ўз юртига қайтиб, озод юрт бағрида ибрат кўрсатиб яшашди.

5 май куни Тўрткўл индустриал педагогика коллежида бугунги кунда ҳаёт бўлган 31 нафар уруш ва меҳнат фахрийларидан Эржон Пиржонов ва Якупбой Саидовлар билан учрашув кечаси бўлиб ўтди. Фахрийлар ўз ҳаёт йўлларидаги тажрибаларини айтиб, «Отаётган ҳар бир нурафшон тонгнинг қизғин нурларида шу бугун учун хизмат қилган ўтганларнинг ҳам ҳаққи бор»лигини қайд этишди.

Мунаввара ЮСУПОВА,
ўқитувчи

✓ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ЎТКАЗИЛАЁТГАН ФАН ОЙЛИКЛАРИ ТАДБИРЛАРИ ҲАР БИР ЎҚИТУВЧИНИ ИЖОДКОРЛИККА УНДАЁТГАНИ ШУБҲАСИЗ.



Фарзандларимизнинг билим олишлари учун яратилган шароитлардан руҳланиб, сифатли таълим бериш барча педагогларнинг асосий вазифасидир. Илм масканимизда ҳар бир машғулотга пухта тайёргарлик билан кириб бориш мақсадида педагогларнинг ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бу эса ўз навбатида ёш мутахассислар томонидан устоз ўқитувчиларнинг тажрибасини ўрганишга замин яратади ҳамда фанлараро боғлиқликни таъминлайди. Дарс жараёнларида, хусусан, миллий ғоя, соғлом авлод фанлари машғулотида ҳамда тарбиявий соатларда «Баркамол авлод йили» давлат дастурининг мазмун-моҳияти ўқувчиларга тушунтириб берилмоқда. Май — хорижий тиллар ойлиги ҳам қизиқарли тадбирларга бой тарзда ўтмоқда. Ўқувчиларнинг чет тилларига қизиқишини орттириш учун викторина ва танловлар уюштирилмоқда.

Д.ҲАСАНОВА,
Каттақўрғон шаҳридаги
1-мактаб директори

✓ ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИДА «ЎЗБЕКИСТОНДА МОДДИЙ МАДАНИЯТ ВА ЭТНОМАДАНИЙ ЖАРАЁНЛАР» МАВЗУСИДА РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЯПОНИЯЛИК ТАРИХЧИ ОЛИМ КАТО КЮДЗЕ ҚАТНАШДИ.

Таниқли профессор жаҳон цивилизациясида Сурхон воҳасининг ўрни бекиёслигини таъкидлаб, 12 йилдан буён шу вилоятда илмий тадқиқотлар олиб бораётганлигини гапириб берди.

Шундан сўнг Термиз давлат университети профессори С.Турсунов «Сурхондарё — этнографик макон баркамол авлод тарбиясида», доцент Ш.Шайдуллаев «Ўрта Осиёнинг бронза даври аҳолиси ёхуд туркий халқлар этногенезининг бошланиши» мавзуларида қизиқарли маъруза қилишди.

Маърузаларда мактаб, академик лицей, коллеж, олий ўқув юрти устоз ва ўқувчи, талабалари ҳам иштирок этди.

Шундан сўнг Республикаимизнинг бошқа вилоятларидан келган олимларнинг шу соҳага оид чиқишлари шўъбаларда давом этди.

Барча маъруза матнлари тўплам ҳолида нашр этилгани эса, этнография фанига қизиқувчилар учун муносиб совға бўлди.

Анжуман қатнашчиларига «Сурхондарё — этнографик макон» видеофильми намойиш этилди.

Норкуват ТЎРАЕВ

✓ БУХОРО ВИЛОЯТИ ЖОНДОР ТУМАНИДАГИ 5-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИДА «ИНСОН АЗИЗ — ХОТИРАСИ МУҚАДДАС», ДЕБ НОМЛАНГАН ТАДБИР БЎЛИБ ЎТДИ.

Кечага ташриф буюрган уруш фахрийлари, нурунийлар мустақиллик олий неъмат эканлигини такрор-такрор айтиб ўтишди ва иккинчи жаҳон урушида ватандошларимизнинг кўрсатган жасоратларини фахр ила тилга олишди. Ёрқин хотираларни ёдга солувчи куй-кўшиқлар кечага ўзгача шуқуқ бағишлади. Уруш фахрийлари ва шу мактабда кўп йиллар фаолият кўрсатган устозларга эсдалик совғалари топширилди.

Феруза ШОЕВА,
ўқитувчи



✓ ТЕАТР МАЙДОНИ ВА ФОЙЕСИ ЎҚУВЧИЛАР ТОМОНИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ПАННОЛАР, ЭКСПОНАТЛАР, ГИЛАМЧАЮ СЎЗНАЛАР, ҚУРОҚЛАР, КУЛОЛЧИЛИК БУЮМЛАРИ, БУКЛЕТ ВА АЛЬБОМЛАР БИЛАН БЕЗАТИЛГАН...

Ҳар йили мунтазам равишда ўтказиладиган «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» кўрик-танловининг Хоразм вилояти босқичи Огаҳий номидаги драма ва комедия театрида бўлиб ўтди.

— Бугунги учрашув ёшларнинг ўз ватанига бўлган садоқати, аждодлар меросига бўлган ҳурматини ифода қилди. Болаларнинг тарих, ўтмиш саҳифаларида муҳрланиб қолган удум ва аънаналаримиз ҳақида тўлиқроқ тасаввурга эга бўла бошлаганини кўриб, ич-ичимдан қувонман. Бунда асосий эътибор кимнингдир голиб бўлишига эмас, ўтказилган тадбирнинг мазмун-моҳияти ва ижобий таъсирига қаратилади, — деди танлов меҳмонларидан бири, Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниязова.

Танлов иштирокчилари «Ўлка тарихига саёҳат», «Зукколар мусобақаси», «Уйга вазифа» каби шартлар бўйича беллашди. Ўқувчиларнинг ўзлари яшаб турган ҳудуд этнографияси ҳамда географик жойлашуви, тўй маросимлари ва миллий байрамлар, либослар, урф-одатларимиз ҳақидаги билимлари ҳакамлар ҳайъати томонидан одилона баҳоланди.

Зухраҳон РЎЗМЕТОВА,
Хоразм вилояти ХТБ бош методисти

✓ КИТОБ ТУМАНИДАГИ 79-УМУМТАЪЛИМ МАКТАБИ ЖАМОАСИ БАЙРАМ ТАДБИРИНИ ШУ ИЛМ МАСКАНИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТГАН 9 НАФАР МУАЛЛИМ ХОТИРАСИГА БАҒИШЛАДИ.

Шу муносабат билан устозлар сабоқ берган фанлардан мактабда педагогик ўқишлар ташкил этилди. Энг аввало, мактабда марҳум устозлар Усмон Мусоқулов, Равшан Мусоқулов, Султон Тошмирозав, Абдусамат Тошпўлатов, Қувондиқ Норқулов, Муҳаммадхон Шарапов, Бегмат Нурматов, Абдуғани Санақулов ва Рухсат Ражабовага атаб хотира бурчаги ташкил этилди. Сўнгра бир ҳафта давомида қатор фанлардан педагогик ўқишлар ва очик намунавий дарслар уюштирилди.

— «Хотира — педагогик ўқишлар» деб номланган тадбирларни ўтказиш туманимизда яхши йўлга қўйилган, — дейди Китоб тумани ХТБ услубчиси Ҳамроқул Очилов. — 79-мактабда бўлиб ўтган ўқишда танлаб олинган маърузаларни туман педагогик ўқишларига тавсия этамиз.

Шунингдек, мактабда «Хотира ва қадрлаш куни»га бағишланган байрам тадбири ҳам ташкил этилди. Кўп сонли меҳмонлар иштирокида марҳум устозлар ёдга олинди. Шогирдлар, яқин қариндошлар, дўст-биродарлар сўз олиб, устозларнинг ибратли сифатларини эсладилар. Йиғилганлар 92 ёшли уруш фахрийси Санақулбобо Мусоқуловнинг олтиндан қиммат панд-насихатларини тингладилар.

Абдували ОБИДДИНОВ

✓ НАВОЙИ ВИЛОЯТИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ БОШҚАРМАСИ ЎЗ ТИЗИМИДА РЕСПУБЛИКА ҲАВАСКОРЛИК БАДИИЙ ЖАМОАЛАРИ ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗДИ.

Ушбу тадбирни ташкил этишдан мақсад жойлардаги бадий жамоалар фаолияти билан яқиндан танишиш, улар эришган ютуқларни эътироф этиш, иқтидорли ижрочиларни излаб топиш, уларга амалий ёрдам бериш ҳамда юртимизда ўтказиладиган байрам тадбирларига жалб этишдир.

Фестиваль давомида вилоят туман ва шаҳарларининг «Булбулча», «Арай», «Бойчечак», «Томоша», «Наво», «Хумо», «Цветущий май» каби бадий жамоалари ўз дастурларини намойиш этди.

Тадбир якунига кўра Қизилтепа, Навбахор, Учқудук, Кармана, Конимех, Нурота туманлари иштирокчилари турли йўналишлар бўйича ғолибликни қўлга киритди ва ҳимийлар томонидан қимматбаҳо совға ва дипломлар билан тақдирланди.

Мухтасархон КАРИМОВА,
Маданият ва спорт ишлари
вазирлиги мутахассиси

✓ ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ШИДДАТ БИЛАН РИВОЖЛАНИБ БОРАЁТГАН БИР ДАВРДА ЎҚУВЧИЛАР ҚАЛБИДА КИТОБНИ СЕВИШ, КИТОБХОНЛИК МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУГА АЙЛАНМОҚДА.

Ёшларни китобни ўқиш ва уқишга, шу асосда миллий қадриятларимизга бўлган ҳурматни кучайтириш мақсадида Учтепа туманидаги мактаблар иштирокида китобхонликка даъват этувчи «Эртақлар — яхшиликка етаклар» маънавий-маърифий тадбири бўлиб ўтди. Тадбир давомида мактаблар ўртасида танлов, эртақ қаҳрамонлари макетлари, деворий газеталар кўргазмаси ҳам ўтказилди.

— Танлов 3та шарт — мактаб фаолияти билан таништириш, саҳна кўриниши ҳамда эркин мавзуда расм чизиш бўйича бўлиб ўтди, — дейди туман ХТБ кутубхона ишлари бўйича методисти Озода Ҳайдарова. — Мактабларнинг тадбирга катта тайёргарлик кўрганлиги, ўқувчиларнинг китобхонлик даражаси саҳна кўринишларидан сезилиб турди. Шунингдек, тадбирда бадий асар муаллифлари ижодига доир ташкил этилган кўргазма ота-оналар, фахрийлар, маҳалла фаолларида катта таассурот қолдирди.

Ирода АБДУЛЛАЕВА
И.ҲАСАНОВ олган сурат.



✓ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ 2-АКАДЕМИК ЛИЦЕЙДА «УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК СИФАТИ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ» МАВЗУСИДА ИККИНЧИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ҳамда Самарқанд давлат университети ҳамкорлигида ўтказилган ушбу конференцияда вилоятда фаолият кўрсатаётган 7та академик лицей ва 22та касб-хунар коллежидан 80та мавзу бўйича 100 нафардан зиёд ижодкор педагог ўзларининг долзарб мавзулари билан иштирок этишди.

Конференция қатнашчилари тўрт шўъбага бўлиниб, узлуксиз таълим тизимида аниқ ва табиий фанларни ўқитишнинг метод ва технологиялари, узлуксиз таълим тизимида ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитишнинг долзарб муаммолари, олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими интеграцияси ва бошқарув муаммолари, узлуксиз таълимда инновацион технологиялардан фойдаланишга доир мавзулар бўйича иш олиб боришди. Конференция сўнгида барча иштирокчиларнинг таълим тизимини такомиллаштиришга доир фикр-мулоҳазалари умумлаштирилиб, келажакдаги вазифалар белгилаб олинди.

Муҳиддин БОЛИЕВ,
Бўстон ИСЛОМОВ



Umummilliy dastur — amalda

7-синфда ўқийдиган қизи Мадинанинг нимадир тикаётганини кўрган Ханифа опа аввалига эътибор бермади. Бу ҳол тез-тез такрорланавергач, секингина қизининг хонасига кириб, унинг нима-лар билан машғуллигига қизиқиб кўрди. Қараса, “гўдаккина” митти кўлчалари билан матога чиройли мунчоқлар тикаётган экан.

— Вой, менинг ақлли қизим, чевар қизим, қаердан ўргандинг бунақа тикишни?

— Ойижон, ҳали битгани йўқ. Сизга кейин кўрсатмоқчи эдим, буни меҳнат дарсида ўргандик. Синфдошларимиз билан мусобақа ўйнаб, чиройли тикишни ўрганияпмиз.

“Қандай яхши”, деган ўй ўтди Ханифа опанинг хаёлидан.



МЕХНАТ ДАРСЛАРИДА ЯНГИЛАНИШ

Шароитдан келиб чиқиб...

Бир кўшнимиз бўларди, уйда турмуш ўртоғи, икки ўғли бўлишига қарамай, бўйрадек ерига ул-бул экиш ёки рўзғордаги бирор буюмни тузатиш керак бўлса, кимнидир ёлларди. “Турмуш ўртоғингиз ёки ўғилларингиз шуни эп-лолмайди?” — деб сўрасам, уларнинг бунга эви йўқ, деб жавоб берарди...

Шу ўринда бу муаммо ечимни ибтидоси сифатида, умумтаълим мактабларида 5-синфдан бошлаб ўтиладиган меҳнат таълими дарсларининг ўрни нечоғли муҳимлигини таъкидлаб ўтиш зарур. Чунки мактабдаги меҳнат дарси ёрдамида ўқувчи ҳеч бўлмаганда ўз уйидаги айрим юмушларни бажара оладиган бўлса, демак, бу дарс беҳуда ўтмаяпти. Эсингизда бўлса, ўқувчилик чоғимиз меҳнат дарсларида қизлар кўғирчоқлари учун чиройли кўйлақчаларни кўлдан келганча тикишар, ўғил болалар ҳам ёғочдан қушлар ини каби баъзи буюмларни ясашарди...

Имкониятлар эшиги очик

Бугун мактабларнинг нафақат ташқи кўриниши, балки ички имкониятлари ҳам замон талаблари асосида тубдан янгиланди. Жумладан меҳнат таълими хоналари ҳам мақсад ва вазифасига кўра, барча керакли техник воситалар, кўргазмали қуроллар ҳамда жиҳозлар билан таъминланган. Энди улардан самарали фойдаланишнинг мавриди келди.

Пойтахтимиздаги 217-мактабнинг меҳнат таълими хонасидан эшитилаётган шовқин-сурон дарс жараёни қизгин кетаётганлигидан дарак берарди. Меҳнат фани ўқитувчиси, 24 йилдан буён шу фандан дарс бериб келаётган устоз, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Маъмуржон Рихсиев ўқувчиларига ускуналардан қандай фойдаланиш лозимлигини ўқитаяпти. Хонага кирган киши ўзини худди ҳақиқий устахонадагидек ҳис қилади.

Эгниларида усталар кийими, бир-бирига халақит бермаслик учун диққат билан ўз ишини бажараётган ўқувчиларга яқинлашамиз. Мана бу болакай чиройли шаклдаги дераза ромига ишлов бераёпти.

— Ишнинг бошланғич жараёнини тугатиб, ромга қаламда нақш чизаман,

сўнгра бу гуллар ўйилади, — дейди ўқувчи.

5—7-синфларда ўғил болалар учун «Техник меҳнат», 8—9-синфларда эса «Касбга йўналтириш» дарслари ўқитилади. Тўрт йил давомида ўқувчилар, албатта, бирор хунар эгаси бўлиб чиқади. Бунинг учун устоздан сабр-тоқат, маҳорат талаб қилинишини Маъмуржон ака кўп йиллик тажрибасидан яхши биллади.

— 2008 йили мактабимиз жорий таъмирдан чиқарилди, — дейди М.Рихсиев. — Тендер асосида меҳнат хонаси учун зарур дастгоҳ ва жиҳозлар келтирилди. Ўқувчиларимнинг аксарияти дурадгорлик касбига қизиқади, улар мустақил равишда тахта ўқлови, хонтахта, стул каби рўзғорбоп буюмларни 9 та турли жиҳозлардан иборат дурадгорлик ва металл билан ишлаш дастгоҳлари ёрдамида ясай оладилар.

Инсон кўли гул

Бу хонада ўқувчилар кўли билан яратилган мўъжизалар ўрин олган экан. Нақ кўргазманинг ўзи дейсиз. Қадим Тошкентнинг 12 дарвозаси, эски шаҳар буюмлари, отарава, омон, лойдан ясалган уй, тандир, тегирмонлар сизни ўтмишга етаклайди. Тошкентнинг янги кўринишидан ўрин олган Навоий бобомиз ҳайкали, “Бахтиёр она” сиймоси, курант қурилмаларининг макетлари ҳайратга солади. Маъмуржон аканинг айтишича, буларнинг барчаси ўқувчилар томонидан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан яратилган экан. Булардан ташқари, уй-рўзғор буюмлари — бешик, сандик, беланчак, китоб кўядиган лавҳ, шамдон, тунчирик, совғабоп қутчалар кўзни қувнатади. Айниқса, ёғочдан ясалган дарахт шохлари ва унда “сайраётган” булбул худди жонлидек туюлади.

Буюртма олаётган ўқувчилар

Мактабда “Дурадгор” номли деворий газета чиқарилар экан. Унинг шиори — “Бир йигитга қирқ хунар оз”. Унда дурадгорлик соҳасида ўқувчилар эриша-

Хулоса ўрнида

Мактабда меҳнат дарсидан келаётган самара улкан эканлигига гувоҳ бўлдик. Демак, инсон мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланишни билса ва ўз олдига аниқ мақсад қўйса, албатта унинг ҳаракатлари бесамар кетмайди.

ётган ютуқлар, ёш ижодкорларнинг шеър ва ҳикоялари ёки бирор-бир касб-хунарнинг моҳияти ёритилади.

— “Тавсиф” деб номланувчи танлов 5—7-синфларда дурадгорчиликни ўрганаётган ўқувчиларга ҳар йили 1 февралда эълон қилинади ва “Етти ўлчаб, бир кес” бурчагида ёритилади. Ўқувчиларга хос етти хислат — ўткир, шиддаткор, синчков, тежамкор, қобилиятли, қатъиятли, шогирд каби тавсифлар пастдан юқорига томон жойлашган бўлиб, энг юқори поғона шогирд ҳисобланади. Ўқувчи “шогирд”лик мақомига эришиш учун қолган барча хислатларга эга бўлиши ва дарс жараёнида уларни қўллаб олиши зарур. Ҳозирги кунга қадар шогирд мақомига эришган ўқувчиларимнинг кўпчилиги тайёр уста-хунарманд бўлиб, уларга буюртмалар тушиб туради, — дейди фахр билан Маъмуржон ака.

Бир йилда тўрт марта мактаб яқинидаги “Тинчлик”, “Хирмонтена”, “Шарқ тонги” маҳаллалари билан ҳамкорликда ўқувчилар ясаган буюмлар кўргазмасининг ташкил қилиниши ҳам ибратли ишдир. Тушган маблағ зарур иш қуролларини сотиб олиш учун ишлатилади.

Шогирдлар фикри

Достон Турдиалиев, 6-синф ўқувчиси: — Икки йилдан буён устоздан дурадгорлик сирларини ўрганияпман. Бешик, беланчак ясашга ўқувим бор. 2007 йили 10 кунлик Корея саёҳатида бўлиш имкони туғилганида уларга ўз кўлим билан ясаган бешикни совға сифатида олдим. Бешик ҳақидаги маълумотларни корейс тилида тушунириб бердим.

Абубакар Эркаев, 5-синф ўқувчиси: — Тўғарақда биз нафақат ёғоч, металл, электр ишлари, балки тош йўниш билан ҳам шуғулланамиз. Яъни, мрамар сиртига турли нақшлар эскизини кўчирамиз, ҳарфлар ёрдамида исм-фамилия ва саналар ёзамиз. Тош йўнувчиликка қизиқишим катта. Келажақда миллий хунармандчилик коллежида таҳсил олиб, “Тошга ҳаёт бахш этувчи” бўлиш ниятим бор.

Дониёр Набиев: — Мактабимиз устахонасида дурадгорликда зарур бўлган режалаш ишларини мукамал ўрганияпман. Режалаш шу қадар нозик ишки, бир чизик нотўғри кетса, бутун бошли материал бузилиши мумкин. Арралаш, рандалаш дастгоҳида мустақил ишлар-канман, бундан ўзгача завқ оламан.

ПАРИЖДАН ХУШХАБАР БИЛАН...

Истеъдодли ёшлар юртнинг кўзгуси, десак муболага бўлмас. Негаки, улар эришаётган муваффақиятлар юртнинг юзини ёруғ қилади, олам аро танитади.

Мамлакатимизда ёшларнинг иқтидорини кашф этишга ва рағбатлантиришга қаратилган эътибор, гамхўрликларнинг самараси сифатида кўплаб ўғил-қизларимиз ўз қобилиятларини намойиш этиб, турли халқаро миқёсдаги танловларда фахрли ўринларни эгаллашмоқда. Яқиндагина Париждан қайтган ёш скрипкачиларимиз эришган муваффақиятлар янги авлоднинг ана шундай залворли одимларидан бири сифатида қайд этилди.

А.Глазунов номидаги камонли-торли чолғулар бўйича бўлиб ўтган навбатдаги VI халқаро кўрик-танловида бу гал ҳам Франция, Италия, Германия сингари қирқдан ортиқ мамлакатлардан вакиллар иштирок этди. Мазкур танлов анъанавий тарзда 6 та ёш гуруҳида ўтказилади.



Мазкур санъат байрамида республика-камит номидан қатнашган Р.Глиэр ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари ва Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ўқувчилари салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Жумладан, Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи 3-босқич ўқувчиси Зебо Собитова, В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган академик лицейида санъат сирларини сидқидилдан ўрганаётган Зулфия Баширова ва Анна Холиқова скрипка йўналиши бўйича фахрли биринчи ўринни эгаллашди.

— Шундай бир катта саҳнага Ўзбекистон фарзанди сифатида чиқиш менга ўзгача ғурур бахш этди, — дейди Зулфия Баширова. — Бизнинг қизиқишларимизга монанд тарзда Президенти-мизнинг шахсан эътибори билан ўқув масканида барча шарт-шароитларнинг яратилганлиги, ма-лакали устозларимизнинг сабоқлари шундай катта мусиқий анжуманларда муносиб иштирок этишимиз учун мустаҳкам замин яратган эдики, юзлаб тенгдошларимиз билан бемалол баҳслаша олдик.

Тадбир давомида Парижнинг диққатга сазовор жойларига уюштирилган саёҳатлар, айниқса, Ўзбекистоннинг Франция элчихонасида бўлиб, куйлар ижро этганимиз менда катта таассурот қолдирди. Шу ўринда меҳрибон мураббийим Зайко Марк Николаевич, академик лицейимизнинг мураббийлар жамоаси, биз ёшларни ҳамиша кўллаб-қувватлаётган республикаимиз раҳбариятига миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Бу муваффақият менинг олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинишимга ҳам имконият яратди.

Райхона ХЎЖАЕВА,
“Ma'rifat” мухбири

О.МУРОДУЛЛАЕВА



Бошқарувда ўз вақтида етказилган ахборотнинг аҳамияти жуда муҳим. Айниқса, бугунги таълим тизимида изчил ислохотлар жараёни кечаётган даврда янгиликнинг ўз ўрнида амалиётга татбиқ этилиши самарадорлик омилidir. Шу маънода, таълим бошқарув органлари ўртасида ахборот алмашувининг тезкор ва қулай тизimini яратишга устувор аҳамият қаратилмоқда. Маълумки, ҳукуматимиз то-

Umummilliy dastur — amalda

марадорлигини ошириш имкониятини берди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, туман марказидан 15-20 км. узоқликда жойлашган таълим муассасаларида ҳам электрон алоқанинг йўлга қўйилиши имкониятларимизни анча кенгайтди.

Туман халқ таълими бўлими (ТХТБ)нинг stxtb.zn.uz веб сайти очилди. Мазкур сайтда бир

ўринни, 318-ихтисослашган мактаб-боғча мажмуасининг <http://318maktab.zn.uz/> сайти фахрли 3-ўринни қўлга киритди ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Хозирги кунда туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан фан ўқитувчилари ўртасида “Энг зўр фан ўқитувчиси сайти” кўриктанлови эълон қилинди. Унинг якунлари 1 октябрь — Ўқитувчи ва

БОШҚАРУВДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

ундан фойдаланиш қулай ва тежамкор

монидан ахборотлаштиришнинг миллий тизimini шакллантириш, иқтисодиёт ва жамият ҳаётининг барча соҳаларига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш ҳамда фуқароларнинг ахборот олишга бўлган талаб-эҳтиёжларини янада тўлиқроқ қондириш юзасидан амалга оширилаётган кенг ўламли ислохотлар бу борадаги ишларнинг самарали кечишига асос бўлмоқда.

Ана шу масала бўйича Сергели туман халқ таълими бўлимида ҳам ўзига хос тажриба тўпланди. Хозирги кунда туман халқ таълими бўлими ва таълим муассасалари ўртасида электрон алоқа тўлиқ йўлга қўйилди. Яъни, мавжуд 67та таълим муассасасининг барчаси ўз электрон манзилларига эга бўлиб, улар орқали юқори ташкилотлардан келган барча ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар вақтида қабул қилинмоқда. Бу эса ўз ўрнида ортиқча қоғоз-бозлик, сарф-харажат, вақтни ўғирлайдиган йиғилишларга чек қўйиб, маълумотлар алмашиш са-

қанча рукнлар мавжуд. Жумладан, туманда халқ таълимининг ривожланиш тарихи, ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базаси, раҳбарнинг электрон қабулхонаси, янгиликлар, методик кабинет, тумандаги таълим муассасалари ҳақидаги маълумотлар ана шу сайтда мужассам.

Хозирги кунга келиб туманимиздаги 20та таълим муассасасининг халқаро интернет тармоғида ўз веб саҳифаси мавжуд бўлиб, улар ҳақида маълумотга эга бўлиш истагидаги ҳар бир ота-она бемалол танишиши мумкин. Бундан ташқари, 40 нафар ўқитувчимиз ҳам ўз веб саҳифасини яратиб, ўз тажрибаларини кенг тарғиб этмоқда.

2010 йилнинг 30 март куни Ўзбекистон Алоқа музейида “2010 йилнинг энг намунали мактаб сайти” танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ушбу маросимда Сергели туман халқ таълими бўлими тасаруфигаги 300-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабининг <http://300school.zn.uz/> сайти фахрли 2-

мураббийлар куни умумхалқ байрами арафасида эълон қилиниши режалаштирилган.

Муҳтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан амалга оширилган 2004—2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури асосида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари натижасида тумандаги 27та умумий ўрта таълим мактабининг барчаси замонавий қиёфа касб этиб, зарур ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Мазкур таълим муассасалари замонавий компьютерлар билан ҳам таъминланиб, «ZiyoNET» ахборот тармоғига уланмоқда.

Шундан келиб чиқиб, таълим муассасаларининг ахборот технологияларида фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш орқали таълим самарадорлигига эришишни олдимизга муҳим вазифа сифатида қўймоқдамиз.

Сафарали ҲАМРОЕВ,
Сергели туман халқ таълими бўлими мудири,
Халқ таълими аълочиси

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯ — ЭНГ ЯҚИН ЁРДАМЧИ

Бугунги кун педагогидан янги технологиялардан хабардор бўлиш талаб қилинади.

Тошкент шаҳар педагогларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти тил ва адабиёт кафедрасида касбий малакасини ошираётган ўқитувчилар ҳам қайта тайёрлаш дарсларида бунга яна бир бор амин бўлишди. Сабаби, уларга белгиланган курснинг 144дан 18 соати пойтахтимиздаги бир нечта мактабларда амалий дарс кўринишида бўлди.

— Малака оширишга келган ўқитувчилар курс давомида фақат назарий маълумотларни эмас, балки амалий машғулотларни ҳам кўриб ўрганишади, — дейди она тили ва адабиёт кафедраси мудири Гулнора Муҳаммадҷонова, — Яъни курсни аввал тамомлаб кетган тингловчилар ўзлари фаолият кўрсатаётган мактабда «Оқидарс» ташкил қилишади. Бунда курсни битириб кетган ўқитувчилар билан бирга курс тингловчиларининг ҳам амалий кўникмалари ошириб борилади. Шунингдек, мақсадимиз ўқитувчиларнинг курсдан кейинги иш фаолияти самарадорлигини ўрганиш. Негаки, педагогларимиз бир ойда камида тўртта дарсни кўриши ва таҳлил қилиши керак.

Шайхонтохур туманидаги 42-умумтаълим мактабида ўтказилган «Ўзбек тили дарсларида ахборот ва янги педагогик технологиялардан фойдаланиш» мавзусида ташкил қилинган тадбирда ҳам малака оширишга келган ўқитувчилар учун амалий машғулотлар ўтказилди. Куннинг биринчи ярмида 42-мактабнинг ўзбек тили фани ўқитувчилари Оқила Тошмуҳаммадова, Лола Фатхуллаева, Дилрабо Солиҳова, Муҳлиса Мирсолиҳованинг оқидарслари кузатилди.

— Малака ошириш курсидан қайтганимдан кейин олган билимларимни дарсларимда қўладим, — дейди яқиндагина малакасини ошириб қайтган Оқила Тошмуҳаммадова. — Бугунги тадбирда кластер, занжир усулида дарс ўтдим. Бу эса ўқувчиларнинг оғзаки нутқини ривожлантириш, уларни техника воситаларидан тўғри фойдаланишга ўргатади.

Хулқар РАЖАБОВА

HISOB — AQL DARSI

Sinab ko'ring

O'quv yili yakunlanishi arafasida har bir fandan tashkil etiladigan umumlashtiruvchi darslarning ahamiyati yuqori. Zero, birgina ushbu mashg'ulot asosida o'qituvchi o'quvchilarning bilim, ko'nikma, malakalarini nechog'lik mustahkam egallaganini bilib olishi mumkin. Bunday darsga puxta tayyorgarlik ko'rilib, ota-onalar ham taklif etilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi. Negaki, bo'sh o'zlashtirilgan mavzular aniqlangach, yozgi ta'til davomida qo'shimcha ma'lumotlar olib borishni ota-onalarga tavsiya etish mumkin. Quyida o'z tajribamiz asosida boshlang'ich sinf matematika fani bo'yicha umumlashtiruvchi mashg'ulotni e'tiboringizga havola etmoqdami.

Mavzu: Umumlashtiruvchi dars (Boshlang'ich sinf, matematika).

Darsning maqsadi:

a) ta'limiy: o'quvchilarga o'tilgan mavzular bo'yicha tushuncha berish, bilim va ko'nikma, malakalarini oshirish;

b) tarbiyaviy: ona Vatanga muhabbat va vatanparvarlik tuyg'usini shakllantirish, tabiatni asrashga o'rgatish;

d) rivojlantiruvchi: erkin fikrlashga undash, to'g'ri mushohada yuritish, tez hisoblashni o'rgatish.

Dars turi: mustahkamlovchi.

Dars uslubi: tushuntirish, savol-javob, yangi pedagogik texnologiya usullari.

Darsning jihozi: darslik, tarqatma materiallar, rasmlar, krossvord, chizg'ich, qalam, buyuk allomalar suratlari.

Darsning tashkiliy qismi yakunlangach, o'quvchilarning darsga tayyorgarligi tekshirilib, o'tilgan mavzu takrorlanadi. Bunda tezkor savol-javoblardan foydalanish mumkin.

Vatan ramzlari, fasl, tabiatni asrab-avaylash to'g'risida qisqacha tushuncha berilgach, sinf ikki guruhga bo'linadi. Birinchi guruh “Al-Xorazmiy”, ikkinchi guruh “Beruniy” deb nomlanadi. Guruh sardorlari o'z shiorlarini aytishadi:

“Al-Xorazmiy”: — O'quv qunt beradi, bilim sharafshon,
Har ikkisi tufayli ulug'dir inson.

“Beruniy”: — Beruniy merosin o'rganib takror,

Ilm-u fan sirlarin bilib olgaymiz.
Ilmga, mehnatga chanqoq bo'lamiz,
Bir kuni dunyoga dovrug' solamiz.

Har ikkala guruh vakillari 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9,10 raqamlariga bag'ishlab she'r aytishadi.

O'qituvchi guruh sardorlariga savollar yozilgan yopiq konvertlarni topshiradi. Har ikkala guruhga komponentlar haqida savol beradi.

1) “Al-Xorazmiy”:

23 — qo'shiluvchi 60 — ko'payuvchi
37 — qo'shiluvchi 3 — ko'paytuvchi
60 — yig'indi 180 — ko'paytma

1) “Beruniy”:

234 — kamayuvchi 48 — bo'linuvchi
112 — ayiriluvchi 6 — bo'luvchi
122 — ayirma 8 — bo'linma


2) “Al-Xorazmiy”: “To'g'ri chiziq” deb nimaga aytiladi?

“Beruniy”: Kesma nima?


3) “Al-Xorazmiy”: Xona birliklarini o'z joyiga qo'ying: 143005.

“Beruniy”: Xona birliklarini o'z joyiga qo'ying: 257047
Sardorlar yozgan javoblarini o'qituvchiga topshiradi. O'qituvchi oldindan tayyorlab qo'ygan rag'batlantiruvchi va jarima kartochkalari bilan ularning javoblarini baholab boradi. Har ikkala guruhga ham “sehrli kvadratlar”ni to'ldirish topshiriladi. Bunda bilimdonlik, topqirlik va chaqqonlik talab etiladi.

4) “Al-Xorazmiy”



“Beruniy”



5) O'quvchilarga uzunlik, massa, vaqt to'g'risida misollar beriladi:

“Al-Xorazmiy”

24 km 550 m = □ m 8 m 67 sm = □ sm
34 t 6 sr = □ sr 5 sr 86 kg = □ kg
3 soat 30 min = □ min 4 soat 40 min = □ min

O'qituvchi: Bir, ikki — bu hisob

Raqamlarni o'ylab top.

Hisob darsi — aql darsi,

Savollarga javob top!

Sardorlar bellashuvida “Aqliy hujum” mashqidan foydalaniladi.

1) 1dan 100gacha bo'lgan sonlarni yozganda, 8 raqami necha marta ishlatiladi?

2) 1dan 1000gacha bo'lgan nechta son 10ga bo'linadi?

3) 4 xonali sondan 4ni ayirsak, qaysi 3 xonali son hosil bo'ladi?

4) Aylananing markazi qanday belgi bilan o'chalanadi?

5) Qoldiqli bo'lish qanday tekshiriladi?

6) Yuza qanday topiladi?

7) Chol va kampirning 3ta o'g'li bor, har bir o'g'lining bittadan singlisi bor. Oilada ular necha kishi?

Darsni yakunlash:
O'qituvchi yig'ilgan ballarni e'lon qiladi. G'olib bo'lgan guruh rag'batlantiriladi.

Uyga vazifa:
Mantiqiy misollar yechish.

Rahima KARAYEVA,
To'shkent shahridagi
307-DIUT maktabi boshlang'ich
sinf o'qituvchisi



Мусиқа ва санъатта ошuftалик гўзал туйгулар, азгу фазилатларни тарбияловчи восита.

Шу нуқтаи назардан, Президентнинг «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустахкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009—2014 йилларга мўлжалланган давлат дастури тўғрисида»ги қарори баркамол авлодни вояга етказишдаги аҳамияти беқиёс.

Навоий вилоят халқ таълими бошқармаси Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудирини Ойбек Мухаммедов билан уюштирган мулоқотимиз мазкур қарор ижроси ҳудудда нечоғлик адо этилаётганига қаратилди.

— Маълумки, жорий йилда вилоятнинг Кармана туманидаги 2- ва Хатирчи туманидаги 6-Болалар мусиқа ва санъат мактабларида қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилиши режалаштирилган. Мазкур вазифалар нечоғлик амалга ошириляпти?

— Бунёдкорлик ишларини сифатли олиб боришни ташкил этиш мақсадида

чолғу асбоблари, фортепиано, торли камонли, хореография, тасвирий ва амалий санъат, театр санъати, анъанавий хонанда ва чолғу йўналишлари бўйича қизиқишларига монанд тарзда билим олишмоқда.

Муассасаларнинг мутахассис кадрлар билан таъминланиши муаммоси айни кунда энг долзарб масалалардан саналади. Яъни, фаолият юритаётган 201 на-

Qaror va ijro

— Навоийлик истеъдодли ёшларнинг республика миқёсидаги кўрик-танловлардаги иштироки қандай? Иқтидор соҳибларини кашф этиш борасидаги уришлар хусусида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— 2009—2010 ўқув йили давомида бу борада эришилган натижаларни таҳлил этадиган бўлсак, «Энг яхши чолғу асбоблари таълим муассасаси» кўрик-танловида 2та биринчи, кичик гуруҳлар ичида 1та учинчи ўрин соҳиби дея ҳудудимиздаги мусиқий таълим масканлари эътироф этилгани, «Янги авлод — 2009» болалар ижодиёти фестивалидан ўқувчиларимизнинг битта биринчи, битта иккинчи ўринни эгаллаб,


КўР FORЛАР СИРИ

Бу ранг-баранг оламро Ер юзаси билан бирон-бир йўлак орқали боғланмаган ғорлар борлиги ҳақида ҳеч эшитганмисиз? Уларнинг қандай кашф этилгани хусусида-чи?

Хуллас, география оламида гап кўп. Сиз улардан воқиф бўлмоқ истасангиз «Maktabda geografiya» журналининг 3-сонини албатта мутулаа қилинг.

Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчимизки, тахририятга келаётган мактублар сони кундан-кун ортиб, бу эса журнал саҳифаларининг янада қизиқарли, ўқишли бўлишига хизмат қилмоқда. Ҳар бир чиқишимизда имкон қадар республикамизнинг турли ҳудудларидан мактуб йўллаган му-

аллифларимизнинг тажрибаларини, фикр-мулоҳазаларини, таклифларини акс эттиришга ҳаракат қилаёلمиз. Мазкур сондан ҳам фарғоналик ўқитувчи Аҳмадjon Маматкаримовнинг «Сўнган вулқонлар қайта отиладими?», навоийлик муаллима Зебинисо Абдуалимованинг «Харитага байроқ қадай оласизми?», Бухоро вилояти Вобкент туманидаги 4-мактаб ўқитувчиси Хуршида Зарипованинг «Жаҳонгашта» сингари материаллари ўрин олди. Шунингдек, «Долзарб мавзу», «Ўқитувчига ёрдам», «Бир соатлик дарс», «Синфдан ташқари таълим», «Ватан сарҳадларида», «Дунё бўйлаб» каби доимий рунлар орқали бир қатор мавзулардаги



материаллар берилганки, улардан ўқитувчиларимиз дарсларида ижодий фойдаланмоқлари мумкин.

... Ўқувчингиз сиздан «Устоз дунёда конфет дарахти ҳам бормикин?» дея сўраб қолиши эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки бугунги қизиқувчан ёшлар жуда кўп ва ҳўп билишга иштиёқманд. Уларнинг бундай сўровлари қаршида лол қолишни истамасангиз, албатта, «Maktabda geografiya» дан узоқлашманг.

О.МУРОДУЛЛАЕВА

КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР



тендер савдоларига алоҳида аҳамият қаратилди. Зеро, мазкур турдаги таълим муассасаларида ўқитиш жараёни ҳам ўзига хос ёндашувни ва шарт-шароитни тақозо этади. Шу боис таълим муассасаси биноси қурилишиданок бу жиҳатларнинг эътиборга олиниши эртага таълим самардорлигига таъсир этиши табиий. Шу аснода махсус комиссия тузилиб, тендер савдоларида иштирок этиш истагини билдирган ҳар бир ташкилот фаолияти белги-ланган тартиб асосида ўрганиб чиқилди. Хулосалар асосида мазкур объектлар қурилиши тегишли тарзда «Навоий Жавоҳир» МЧЖ, ҳамда «Оқ олтин XXI аср» МЧЖ зиммасига юклатилди.

Айни пайтда ишлар режа ва талабларга биноан олиб борилмоқда.

— Ўғил-қизларимизнинг мусиқа ва санъатта бўлган қизиқишларини ошириш, уларнинг истеъдодларини кашф этиш ва тарбиялашда устоз-мураббийлар салоҳиятининг аҳамияти катта. Демокриманки, мазкур йўналишдаги илм масканларининг мутахассис кадрлар билан таъминланиши ва уларнинг малакасини ошириш ишлари қай тартибда амалга оширилди?

— Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфида ўнта болалар мусиқа ва санъат мактаби мавжуд бўлиб, уларда 1500 нафардан ортиқ ўғил-қиз халқ

фар педагог-ҳодимларимизнинг 66 нафари олий, 135 нафари эса ўрта махсус маълумотга эга. Улар махсус режа асосида Ўзбекистон давлат консерваторияси, Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, А.Авлоний номидаги республика халқ таълими раҳбар ҳодимларининг малакасини ошириш марказий институтида ўз малакаларини ошириб келишмоқда. Турли конференция, семинарлар ташкил этилиб, ўқитувчиларнинг ўзаро тажриба алмашишлари учун имкониятлар яратилапти. Жумладан, яқинда Қизилтепа туманидаги 3-Болалар мусиқа ва санъат мактабида халқ чолғу асбоблари йўналиши бўйича вилоят миқёсидаги семинар ташкил этилди. Тадбирга ташриф буюрганлар муассаса ҳаёти билан яқиндан танишишди. Ўзларини қизиқтирган саволларга мезбонлардан атрофлича жавоб олишди. Айниқса И.Назаров, Ф.Жабборов, З.Хусенов томонидан илғор педагогик технологиялар асосида ташкил этилган дарслар кўпчиликида илиқ таассурот қолдирди.

Мусиқа масканларини ёш мутахассислар билан таъминлаш мақсадида олий таълим муассасалари билан келишув асосида вилоятимиздан бориб, пойтахтдаги нуфузли даргоҳларни битириб бакалаврлик ва магистрлик дипломини қўлга олаётган ёшларни ишга таклиф этаёпмиз.

ўнта диплом билан қайтишлари, Навоий шаҳридаги 1-Болалар мусиқа ва санъат мактабида ташкил этилган «Мафтун» эстрада гуруҳининг «Юлдузлар ёғдуси» ёш эстрада ижрочилари фестивалида Халқ таълими вазирлиги томонидан Фахрий ёрлик билан тақдирланиши, «Зарб — 2009»да карманалик ёш доирачиларнинг 3-ўринни забт этишлари республика миқёсида эришилган муваффақиятлар сирасига кирди.

Маълумки, вилоятимизда турли миллат вакиллари истикомат қилишади. Шуни эътиборга олган ҳолда таълим бошқа тилларда олиб борилаётган мактаб ўқувчиларининг бу борадаги қизиқиш ва имкониятларини юзага чиқариш, ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ёш истеъдод соҳибларини кашф этиш, тарбиялаш мақсадида босқичма-босқич давом эттириладиган бир неча танловлар, фестиваллар, байрам дастурлари ташкил этилмоқда. Жумладан, яқинда бўлиб ўтган «Баркамол авлоднинг қалдирғочлари» дея номланган концертга вилоятимиздаги Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган болажонлар таклиф этилди. «Академик чолғулар ва эстрада ижрочилиги» йўналиши бўйича ўтказилган кўрик ҳам ўнлаб янги номларни жамоатчиликка танитди. Бундай тадбирлар мусиқага, санъатга меҳр кўйган ёшлар ишонч, умид билан сахнага қадам қўйишларига замин яратаётир. Бизнинг вазифамиз эса уларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликларга жавобан фидойилик билан меҳнат қилишдир.


Ойбуви ОЧИЛОВА суҳбатлашди.

ОЛМАНИНГ ВАТАНИ ҚАЕР?

Аниқланишича, дунёда энг қадимий олма навининг Ватани жаннатмакон Ўзбекистонимиз экан. Бу ҳақидаги мақолани «Maktabda biologiya» журналининг 3-сонидан мутулаа қилишингиз мумкин.

Журналнинг навбатдаги сонидан «Bir soatlik dars» рункида Лишайниклар мавзусининг ўқитилиш усули тавсиясифатида берилган бўлса, «Биология дарсларида домино ўйини» ўқитувчилар машғулотларда синаб кўришлари мумкин бўлган муҳим манбадир.

Тупроқдаги тирик жонзотлар билан «Ajab dunyo» сизни таништиради. «Кўзёшларимиздаги иммунитет» борасида хабар берган «Kashfiyotlar tarixi»дан эса америкалик биолог олим Флемингнинг



тасодифан бўлган кашфиёти ҳақида билиб оласиз.

Шунингдек, «Bilib qo'yung» рунки орқали ён дафтарингизни қизиқарли маълумотлар билан бойитиб олишингиз мумкин. «Баргли кўкатлар ва кам тарқалган сабзавот экинлари» материалларида уларнинг аҳамияти ва фойдаланиш борасида атрофлича ахборотлар берилган. «Ilg'or tajriba» рункида пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги «Сурхон» номли 499-МТМдаги экологик таълим ва тарбия борасидаги ўзига хос тажриба ҳақида сўз юритилади.

Бундан ташқари, «O'qituvchiga ko'mak» орқали тест ва атамалар луғати доимигидай сизнинг эътиборингизда.

Мухлиса МЎМИНОВА

НЬЮТОННИНГ ХАТОСИ НИМАДА?

Табиий фанлар тизимида кимё ўзининг муносиб ўрнига эга. Кимё фанининг мақсади ўқувчилар онгида оламнинг яхлит замонавий илмий манзарасини яратишдир. Бундай тадбирни муваффақиятли амалга ошириш учун кимё фани ўқитувчилари ўз дарсларини юқори даражада, замонавий ва илғор педагогик усуллари қўллаган ҳолда ўтишлари зарур. Албатта, бунда, «Maktabda kimyo» журна-ли яқиндан ёрдам беради.

Айни пайтда журналнинг 3-сонидан босмадан чиқди. Сиз унда «Мозийга назар» рунки остида юқори органик молекуляр кислота — қахрабо ҳақида афсона ва ҳақиқатдан воқиф бўласиз. «Ҳаёт ва кимё» рунки эса педагогларимизга марганецнинг табиатда

тарқалиши, қишлоқ хўжалиги ва саноатда ишлатилиши ҳақида маълумот беради. Мазкур сонда «Зукко мухлис» викторинасининг 3-босқич саволлари берилган бўлиб, унга тўғри жавоб йўллаганлар, албатта, тахририятнинг ким-матбаҳо совғасига эга бўлиши муқаррар.

Туз кристалларини ўстиришни биласизми? Агар жавоб «йўқ» бўлса, албатта, «Maktabda kimyo» журна-лининг «Қизиқарли кимё» рункини диққат билан ўқиб чиқинг. «Кашфиёт» рункида сиз буюк олим Исаак Ньютоннинг хатосини билиб оласиз.

Кимё фани тажрибасиз бўлмас. Шунинг учун ҳам биз журналда мунтазам равишда бериб борилаётган «Дарсдан ташқари машғулот» рунки остида лаборатория ишлари ва кимё фани тўга-



рақларида олиб борилиши мумкин бўлган қизиқарли тажрибаларни ўқувчиларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз. Бу сафарги мавзу ўт ўчиргични тайёрлаш ҳақида. «Методик ёрдам» рункида эса анорганик моддаларнинг асосий синфларига оид тажрибавий масалаларни ечиш усуллари берилган.

«Maktabda kimyo» журнаliga обуна бўлинг ва ўқинг. Зеро, ҳаёт билан собитқанда бўлиш ҳар биримизнинг қўлимиздадир.

Наргис ҚОСИМОВА

Kitob кишилик жамиятнинг қадими, аммо ҳаммаш навқирон қадриятларидан биридир.

Мамлакатимиз зиёлиларнинг бир жойга йиғилиб, болалар китобхоналиги ҳақида қайгуриши ва шу соҳа мутахассисларнинг таҳлиллари асосида бахслашувлари эзгулик сари ташланган қадамларнинг бардавонлигидан далолат беради. Республика болалар кутубхонасида ўтказилган «XXI асрда болалар китобхоналиги» деб номланган илмий-амалий конференция шу ҳақда бўлди.

Зеро, «Баркамол авлод йили» Давлат дастурида болалар ва ўсмирларни ҳар томонлама камол топтириши ва тарбиялашга йўналтирилган жаҳон ва ўзбек адабиёти классикаларининг асарлари, уларни лотин графикасида китоб ва электрон шаклларида нашр этиши, болалар учун ўзбек халқининг буюк мутафаккирлари ҳаёти ва фаолияти тўғрисидаги расмий китоблар, ўтган авлодларимизнинг маънавий жасоратлари, қаҳрамонликлари тўғрисидаги буклетлар, рисолалар, плакатлар ва мақолалар, ёшлар учун Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган китоб-каталогларни тайёрлаш назарда тутилган.

Давра сўхбати қатнашчиларнинг фикр-мулоҳазалари шу доирада кечди.

Зиёвуддин МАНСУРОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:

— Башарият тарихида эзгу ном қолдирган бирон-бир буюк сиймо йўқки, у китобдан баҳра олмаган бўлсин. Дарҳақиқат, китоб инсоният яратган тафаккур мўъжизаларини асарлардан асарларга, аجدлардан авлодларга олиб ўтадиган ўлмас мерос, десак ҳеч янглишмаган бўламиз.

Китобнинг қадри ва ёш авлод онгига таъсири, болалар китобхоналиги ҳақида ўтказган конференциямиз жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаб айтиш мумкинки, бугунги китобхон кечагиларга ўхшамайди. Улар ҳар соҳада биринчилардан бўлишни истайдилар. Шундай экан, болаларга бугунги цивилизациялашган замонага мос китобларни етказиб беришни кечиктирмайликмиз лозим. Бунда оила муҳитининг ўрни беқийёс ҳисобланади. Отана, авваламбор, фарзандини китоб дўконига олиб бориши, бугунги кун замонавий китобларидан хабардор қилиши кечиктириб бўлмайдиган иш ҳисобланади. Энди фарзандларимиз маънавий оламга, ривожланган дунёга кириб келишлари учун тайёргарлик босқичини ўтатиётган китоблар — ҳар тарафлама пухта, гоёвий юксак бадиият намуналарини тўхфа этмоғимиз лозим.

Миразиз АбЪЗАМ, болалар шоири:

— Болаларнинг китоб ўқиши сусайган, дейишади. Бўлиши мумкин. Ха, ҳозирги ахборот-технология асрида бу — бирмунча ташвишли ҳол. Китобхонлиқ сўсайдига маънавий пасаяди, маънавият пасайганда етук авлод етишмайди.

Болаларимизни баркамол авлод қилиш учун улара китоб ўқишни шарт! Бу ишни барча отана, мактаб аҳли, зиёлилар ягона жаҳага бирлашиб амалга оширмасалар бўлмайди.

Болаларга мардлик ва ботирилик, маърифат ва амал, турлилик ва ҳалоллик хислатларини китоблардан мисоллар келтириб юктириш мумкин. Классик адабиётимиз, чунончи, Низомий Ганжавий, Фариддин Аттор, Жалолиддин Румий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий асарлари орқали болаларга мунофиқлик ва кўрқоқлик, ғийбат ва тухмат инсонларга қандай фожевалар олиб келишини кўрсатса бўлади.

Болаларга бундай билимларни бериб, гўзал сифатларни юктирарканмиз, асло замон ҳусусиятларини унутиб бўлмайди. Мисол учун, улара мардлик сабақларини берадканмиз, мардлик фақат майдондаги кураш, бокс, таэквандо ва ҳоказоларгина эмас, техникани пухта эгал-

лаш ҳам эканлигини бир лаҳза ҳам унутиб бўлмайди.

Табиати, зоологияни табиат қучоғида, ҳайвонот боғларига ўтиш ҳам болаларимизга аниқ билим бериши исбот талаб қилмайди. Ҳар бир ўт, гул, яром, дарахтни, уларнинг номларини амалда ўргатиш, кўрсатиш, китобдан ўқиб бериш бу билимларни бола зехнида абадий қолдирилади.

Ҳозирги кутубхоналарнинг электрон-ахборот ресурслари билан таъминлангани давлатимизнинг баркамол авлод тарбиясига нақадар катта аҳамият бераётгани ва гамхўрлик қилаётганини кўрсатиб турибди. Аммо ҳозирча улардан фойдаланишни билადиган кадрлар етишмаётгани сир эмас. Шунинг учун ҳам Халқ таълими вазирлигининг шу йилнинг ўзида бундай мутахассисларни етказиб беришни режалаштиригани яна бир гамхўрлик белгисидир.

Абдуғани ХОЛБЕКОВ, социолог:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Адабиётга эътибор — маънавиятга, келажакка эътибор» асарида бадиий ижодга атрофича эътибор қаратилади. Унда ўзбек ёзувчисининг китобхон олдида турган масъулияти ва вазифалари белгилаб берилган. Ушбу кўрсатмалар асосида ҳозирда фарзандларимизни жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништириб бериши вазифалари аниқ режалар асосида амалга оширилмоқда.

Янги китобларни кутубхоналарга етказиб бериш барчамизнинг ишимиздир. Бугунги кунда давлатимиз бюджетининг 34 фоизини таълимга ажратаётган бир пайтда баъзи оилалар ўз даромадининг 34 фоизини фарзандлари таълим-тарбияси учун сарфласа, нур устига нур бўларди.

Мисол учун, ёш ота-оналар энди мактабга қатнаётган фарзанди учун ҳеч бўлмаганда ойига битта китоб харид қилса, унда бир йилда 12 китобга, фарзанди мактабни битирганда эса 10дан ортик китобга эга бўлади. Бу дегани хонадон қичка бир кутубхонага эга бўлди, деганидир. Мазкур ишга сарфланган пул оила бюджетини даромадининг атиги 5-7 фоизини ташкил этиши мумкин.

Шундай экан, шахсий кутубхона яратишининг қалити ўз қўлимизда. Шу тарзда мактаб кутубхоналари ҳам бойиб борса ажаб эмас.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ, филология фанлари номзоди:

— Ўқиш ва унинг орқасидан келадиган билиму заковат маърифатга йўл очади. Маърифатли, яъни маънавияти юксак ва били-

ми теран бўлган кадрлар юртни фаровон қиладди. Илм-фан ва у орқали келадиган фаровонлик билан дунёга танилишга эса, ҳеч нарса етмайди. Маънавиятнинг қашшоқ, билими саёз бўлган одам элга нафи тегмайди ва баъзи жиҳатдан хатто хавфли кимсага айланади. Бир жойда туриб қолган сув айнаганидай, онги ўсмаётган одам амалда орқага, жаҳолат сари кетади. Демак, ёшларнинг китоб ўқимаслиги мамлакатнинг келажиги учун тахликали бир ҳодисадир.

Ҳўш, ёшлар нега кам китоб ўқишяпти? Китоб етишмаяптими? Ё бор китоблар уларни қаноатлантирмаяптими?

Бизнингча, бунинг бош сабаби ҳозир — бозор иқтисодиёти даврида айрим одамлар руҳиятида ҳақиқий ва ўткинчи қадриятларнинг қорилиб кетганида.

Болаларнинг кам ўқишига сабаб бўлаётган яна бир омил шунки — китоб нашр этиш сезиларли даражада қамайди.

Мамлакат аҳолисининг қариб ярмини ташкил этадиган бола-

табу муаллимлар унинг китоб ўқишга иштиёқини ошириш учун хизмат қиладди.

Биров бир донишманддан, фарзандим хурсанд бўлиши учун нима совға қилсам яхши бўлади, деб сўрабди. «Агар унга қанд берсанг, болаңг бир кун хурсанд бўлади, аммо эртасига унинг таъмини унутади, — дебди донишманд. — Агар ўйинчоқ олиб берсанг, бир hafta хурсанд бўлади кейин ташлайди. Сен унга тулпор от мингизсанг, бир ойдан кейин уни қирчанга қаторида кўради, янги иморат — уй қуриб берсанг, бир йил хурсанд юради, кейин уй ҳам эскиради. Сен агар фарзандим доим хурсанд бўлсин, десанг халтасига китоб солиб қўй, ана шунда у бир умр бахтли бўлади...».

Китобнинг нафи беқийёс, аммо бу фойда мунча ботмонлик китоб мунча миллион... йллик даромад келтириши билан эмас, мамлакатнинг ривожланиб, илгўр давлатлар сафига қўшилиши билан, дунёга маърифат ила танилиши билан ўлчанади. Мана шу — ҳақиқий танилиш. Чунки

БОЛАЛАРГА БЕРАЙЛИК... КИТОБНИ!

Davra suhbatii

Ўзимиз ҳам бир неча ота-оналарнинг китоб харид қилаётганига ғувоҳ бўлдик.

Бу ерда китоб харид қилаётган одамлар кўпроқ болалар энциклопедияларини, бирор тилини ўрганишга оид лўғатларни, ҳадисларни, бирор фанни ўрганишга оид китобларни сотиб олишар экан.

Айниқса, «Ўзбекистон», «Ўқитувчи», «Шарқ» нашриётларида нашр қилинаётган болаларга мўлжалланган китоблар замонавий дизайни ва мазмуни билан кўпчиликнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.

Китоб сотувчисининг айтишича, ўзбек тилида нашр қилинаётган китобларнинг аксарияти шеърлар ва мақолалардан иборат бўлиб, насрий асарлар жуда ҳам кам. «Сариқ девни миниб...» асарда ўхшаган янги китоблар керак, дейди у.

Бу ерда шунини таъкидлаш жоизки, «Ўзбекистон» ва «Ўқитувчи» нашриётларининг синфдан ташқари ўқиш учун чоп этаётган китоблари ота-оналарга жуда манзур бўлмоқда. Бу мўъжаз сериядаги китоблар фарзандлар тарбияси учун ибратли хикоятларни, шеърлар ва мақолаларни кўриб хурсанд бўламиз.

Китоб мутолааси, бу — энг олий маданият белгиси, десак янглишмаган бўламиз. Ахборот технологиялари даврида ҳам китоб ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ, балки қадри ошди. Китоб мутолааси бола тарбиясига ижобий таъсир этишини билмаган бирор ота-она бўлмаса керак. Бироқ шунга қарамаддан бугун тирикчилик нозир, кўпчиликнинг қўнғил мулки бўлиб қолгани алоҳида таъкидланди. Президентимиз «Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллат-

нинг келажиги йўқ» дейдилар. Ушбу талабдан келиб чиқиб фарзандларимиз учун тарихга оид бадиий китобларни кўпроқ нашр этишимиз керак. Мен кутубхона жонқурларига болаларнинг кўпроқ китоб ўқишдек эзгу орзулари амалга ошишини истаб қоламан.

Даврон РАЖАБ, шoir:

— Баъзан сўхбатларда бугун ёшлар китоб ўқимай қўйди, деган гапни эшитиб қоламиз. Ижодкор дўстларимиз билан бахсларда шу нарса аён бўладики, аслида яқин орада қўлига китоб олмай қўйган кишигина шундай гапирар экан. Китобдан бошини кўтармаган одам бу фикрни хаёлига ҳам келтирмайди.

Интернетдан олинган хабарлар асосида шу гапни айтиш мумкинки, бугунги кунда, аксинчдек китоб мутолаасига бўлган талаб янада ошгани маълум бўлаётти.

Пойтахтимизнинг кўп дўконларидан шу нарса аниқландики, кейинги пайтлари болалар адабиётига талаб жуда катта экан.

олдимизга болалик ва ўсмирлик давримиз, адабиёт ўқитувчиси келади. Унинг таъсирида биз дунёда қандай аҳойиб китоблар борлигини билиб, китоб ўқиш лаззатини туйиб олганмиз.

Устоз ижодкорлар айтганидек, китоблар жойлашган жавонга қарагининг ўзи кишини ёмонлик қилишдан асрайди.

Ҳафиза КАРИМОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати:

— Мамлакатимизда айни кунда фаолият кўрсатаётган 12 мингдан ортик ахборот-кутубхона муассасаларини, аҳолининг барча қатламларининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш, ўсиб келаётган авлоднинг интеллектуал эҳтиёжларини тўла қондиришга мўлжалланган ахборот-кутубхона хизматини янада ривожлантиришда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кенг китобхоналар оммасининг «Ziyouet» таълим тармоғидан мунтазам фойдаланиш имкониятини яратиш борасида эътиборга лойиқ ишлар амалга оширилмоқда.

Ахборот-кутубхона системасида эришилган ютуқлар билан бир қаторда айрим вазифалар мавжуд:

- 1) Ахборот-кутубхоначилик йўналишидаги норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш;
- 2) Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, фондларни шакллантириш учун молиялаштиришни ошириш;
- 3) Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетиде ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик таълим йўналиши бўйича махсус сиртки бўлимларни очилиш;
- 4) Ахборот-кутубхона муассасалари раҳбар ва ходимларининг лавозим маошларига оид малакавий маълумотномасини ишлаб чиқилиш ва тасдиқлаш.

Таъкидланган масалаларнинг тўлиқ ва системали равишда амалга оширилиши республика фанининг ва иқтисодиётининг янада жадал ўсишига ёрдам беради.



лаш ва кадрлар билан таъминлаш;

тўртинчидан, ахборот-кутубхона марказлари, ахборот-ресурс марказлари ва кутубхоналарнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш;

бешинчидан, кутубхоначиларнинг ижтимоий муҳофазасини амалга ошириш. Ваҳоланки, ҳозирги кунда кутубхоначи ҳодимларга кенг микёсдаги вази-фалар юкланган турли соҳа фанларидан билимларга эга, янги технологиялар ёрдамида китобхоналарга хизмат қила олувчи, электрон ресурсларни шакллантириш қобилиятига эга, автоматлаштирилган кутубхона системаларида ишлай олиши каби талаблар фикримизнинг далилдир.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг ижобий таъсири билан бир қаторда ахборот-кутубхоначилик соҳасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида, яқинда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан таъсис этилган «Kutubxona.Uz» журналида ёритилиб борилади. Ўйлаймики, журнал ахборот-кутубхона ишининг равнақиға, унинг манфаатига хизмат қиладди.

Ахборот-кутубхона соҳасида келгусида ҳал этилиши зарур бўлган бир қанча долзарб масалалар мавжуд:

1) Ахборот-кутубхоначилик йўналишидаги норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш;

2) Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, фондларни шакллантириш учун молиялаштиришни ошириш;

3) Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетиде ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик таълим йўналиши бўйича махсус сиртки бўлимларни очилиш;

4) Ахборот-кутубхона муассасалари раҳбар ва ходимларининг лавозим маошларига оид малакавий маълумотномасини ишлаб чиқилиш ва тасдиқлаш.

Таъкидланган масалаларнинг тўлиқ ва системали равишда амалга оширилиши республика фанининг ва иқтисодиётининг янада жадал ўсишига ёрдам беради.

Умида ИБРОХИМОВА, Республика болалар кутубхонасининг катта кутубхоначиси:

— Мен мутолаа инқирозини эканлиги ҳақида сўз юр-моқчиман. Бола нега китоб ўқимайди? Бу саволга жавоб то-

пиш анча мушкул. Ривожланган инсон миясининг оғирлиги 1 кг, 400 граммни ташкил этади. У худди ёнғоқ мағзига ўхшаيدди. Бугунги кунда жуда кўп инфор-мация қабул қилиб олмақдасиз. Бола мияси шуларни ўзига тор-тишдан толиққади. Бу дегани хоти-ра заифлашаверади. Худди оппоқ қор устига қор ёққанидек, у олдинги информацияни эслаб қолмайди. Япон олимлари болаларга аста-секинлик билан китоб ўқишни тавсия этмоқда. Истардимки, кўлаб ота-оналар фарзандларининг миясини зўриқ-тириб қўйишдан сақланишлари керак. Мутолаага аста-секинлик билан эришган маъқул. Яна бир нарсани айтиб ўтишни ўз бур-чани деб ҳисоблайман. Бугунги кун кутубхоначиси худди дори-ларни фаолиятининг ижобий таъ-сирини билан бир қаторда ахборот-кутубхоначилик соҳасидаги муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари ҳақида, яқинда Ўзбеки-стон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан таъсис этилган «Kutubxona.Uz» журнали-мики, журнал ахборот-кутубхо-на ишининг равнақиға, унинг манфаатига хизмат қиладди.

Ахборот-кутубхона соҳасида келгусида ҳал этилиши зарур бўлган бир қанча долзарб масалалар мавжуд:

1) Ахборот-кутубхоначилик йўналишидаги норматив-ҳуқуқий базани янада ривожлантириш;

2) Бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, фондларни шакллантириш учун молиялаштиришни ошириш;

3) Тошкент давлат маданият институти ва Тошкент ахборот технологиялари университетиде ахборотлаштириш ва кутубхонашунослик таълим йўналиши бўйича махсус сиртки бўлимларни очилиш;

4) Ахборот-кутубхона муассасалари раҳбар ва ходимларининг лавозим маошларига оид малакавий маълумотномасини ишлаб чиқилиш ва тасдиқлаш.

Таъкидланган масалаларнинг тўлиқ ва системали равишда амалга оширилиши республика фанининг ва иқтисодиётининг янада жадал ўсишига ёрдам беради.

кўпайиб бораёпти. Электрон ре-сурсларнинг аҳамияти шундаки, улар биринчидан, тезкор ахбо-ротга эга бўлиш имконини бера-ди, иккинчидан, босма махсу-лотларга нисбатан уни тайёрлаш ва тарқатиш, улардан фойдала-ниш анча арзон, учинчидан, уни тайёрлаш учун кам вақт сарф қилинади, тўртинчидан, ундан фойдаланиш жойи, шароити чек-ланмаган, бешинчидан, электрон ахборот-ресурсларида қўллани-ладиган маълумот бериш турла-ри ҳам кекиз, олтинчидан, электрон ахборот-ресурсларидан фойдаланиш жой танламайди, бир кутубхонада ўтириб бутун мамлакатдаги, интернет орқали бутун дунё микёсдаги ахборот маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Электрон ахборот ресурслари-ни тайёрлашнинг стандартлари, мезъёрий асослари, уларнинг классификацияси, сифатини таъ-минлаш даражалари, китобхона-ларнинг социал-демография, ин-дивидуал-психологик ҳусусият-лари кура таъсири, аҳамияти, шахс камолотини тарбиялашда-ги ўрни масалалари ҳали ишлаб чиқилмаган муаммолардир.

Электрон ресурслар базасини яратиш, ундан фойдаланишининг ҳам ўзига яраша муаммолари мавжуд. Масалан, интернетдан олинаётган ресурсларнинг сифа-ти, мақсади, гоёси, улардан фой-даланиш учун йўл очиб бериш-да хизмат кўрсатаётган ташкилот-нинг манфаатлари, аҳоли қизи-қишининг, мақсаднинг йўна-лишларига мос келишини назорат қилиш. Интернет — бозор мисоли. Унда яхши ва ёмон, си-фатли ва сифатсиз, бизнинг ма-фаатларимизга мос ёки зид мах-сулотлар мавжуд. Ундан харидор ўзига ёққанини танлайди. Демак, харидордир махсулотларни ҳам ажрата олиш зарур. Ёшларимиз-нинг дунёқараши, руҳияти, шак-лланиб боришига, таълим ва тар-биясиға, ахлоқий камолотиға сал-бий-таъсир кўрсатувчи электрон ахборот-ресурслари ҳам кам эмас.

Ахборот-кутубхона муассаса-ларининг вазифаси болалари-мизни илм-фан тараққиётига хиз-мат қилувчи, уларнинг билим олишларини, илмли бўлишлари-ни, ахлоқий ва маънавий камо-лотини кафолатловчи, ёшлари-мизни тўғри йўлга солувчи, дунё ахборот оламидан тўғри фойда-ланувчи шахс сифатида тарбия-лашдан иборат.

Давра сўхбатини Даврон РАЖАБ ва Хусан САФОНЛИ тайёрлади.

Ушбу режа узлуксиз методик хизмат кўрсатиш ва ҳамкорликнинг учбурчак методи асосида тузилган. Бунда, биринчидан, мактабда ҳар бир педагогнинг малака ошириш бўйича эҳтиёжи аниқланади ва институтда ушбу эҳтиёжни қондириш бўйича тегишли ишлар ташкил этилади. Иккинчидан, мактабда ўқитувчининг малака ошириш курсига бўлган фаолияти бўйича 100 баллик тизимда рейтинг баллари аниқланади ва курсдан курсга бўлган даврда шу рейтинг баллари асосида ХТБ методика кабинети методистлари ва умумтаълим мактаблари раҳбарлари томонидан ўқитувчилар фаолияти таққослама баҳолаб борилади. Учунчидан, институт кафедралари томонидан ҳар бир малака ошириш тингловчисига курсдан курсга бўлган давр учун тегишли топшириқлар берилади. Ушбу топшириқларнинг бажарилиши мактаб методбирлашмаси ва туман (шаҳар) методика кабинети томонидан таҳлил қилиб борилади.

ҲАМКОРЛИКНИНГ

«УЧБУРЧАК»

Malaka oshirish



МЕТОДИ

У ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРМОҚДА

Кейинги йилларда Андижон вилоят халқ таълими бошқармаси қошидаги таълим маркази ҳамда шаҳар ва туман халқ таълими бўлимлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик ишлари кучаймоқда. Айни ана шу жиҳат вилоят таълим муассасаларининг мазмунан бойишига хизмат қилувчи ўзига хос тажрибага асос бўлди. Яъни, 2009 йил январь ойдан бошлаб малака ошириш курслари тингловчилари учун янги тизим «Педагог кадрнинг малака ошириш бўйича шахсий-ижодий режаси» жорий этилди.

Бу масканда жорий этилган янгиликлардан яна бири институт профессор-ўқитувчилари томонидан вилоятдаги мавжуд 18та шаҳар, туман ХТБ методика кабинети ва жойлардаги

таълим муассасаларига методик ва амалий ёрдам бериш мақсадида «Метodik кун»нинг ўтказилаётганидир.

Ушбу «метodik кун»да институт профессор-ўқитувчи-

лари туман (шаҳар) методика кабинетига соҳага оид меъёрий ҳужжатлар ва улар асосида амалга оширилаётган ишларни ташкил этиш, умумтаълим мактабларидаги методик

ишларни мувофиқлаштириб бориш ва бошқа қатор ишларда амалий ёрдам кўрсатиб келмоқдалар. Умумтаълим мактабларида эса асосий эътибор ўқитувчиларнинг дарсларини кузатиш ва таҳлил қилиш асосида ўз тавсияларини беришга қаратилади. Шунингдек, институт ходимлари умумтаълим мактабларида методик ишлар ҳамда қайта тайёрлаш ва малака ошириш соҳасидаги Халқ таълими вазирлигининг тегишли буйруқлари ижросини таъминлаш, мактаб методик кенгаши ва методбирлашмалар фаолиятини ташкил этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича методик ва амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Ушбу ўзига хос тажриба жойлардаги ўқитувчилар фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, таълим самарадорлигининг ошишига хизмат қилаётгани эътиборлидир.

О.СИДДИКОВ.

Андижон вилояти

БУГУН АМАЛИЁТЧИ, ЭРТАГА — МУАЛЛИМ

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Касб таълими факультетининг бир гуруҳ талабалари доцент Одил Қўйсенов раҳбарлигида Сергели политехника касбхона коллежида малакавий педагогик амалиёт ўташмоқда. Улар малакавий амалиётни ўташ мобайнида илғор, тажрибали ўқитувчиларнинг дарсларини таҳлил қилиш, маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этиш, тўғараклар фаолиятини йўлга қўйиш, гуруҳларга мурабийлик қилиш, синув ва очик дарсларни ўтказиш билан машғул бўлмоқда. Акмал Ёрбобоев, Жамшид Насриддинов каби бир қатор талабалар очик дарсларни кўргазмалар курашлари, видеоролик ва анимациялар ёрдамида ўтиб, юқори натижаларга эришди. Улар коллеж ўқувчиларини машғулотларга қизиқтириш мақсадида «Ақлий ҳужум», «The richest people» («Энг бой кишилар»), «Муаммоли ўқитиш», «Чархпа-

лак», «Бумеранг», «Кластер», «Дебат» сингари хилма-хил методлардан фойдаланишгани самара берди. Ушбу методлар ўқувчиларда дарсга қизиқиш ҳосил қилиш билан биргаликда, ўзи танлаган мутахассислик бўйича касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришга, иштиёқларни ўстиришга сабаб бўлмоқда.

Кичик мутахассисларни тайёрлашда уларнинг назарий билимлари ҳамда амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш машғулотларни қизиқарли ва педагогик технологияларга асосланган ҳолда ташкил этишга ҳам боғлиқ. Педагогик амалиётни ташкил этишда ушбу жиҳатларга эътибор қаратилиши таълим сифати ва самарадорлигини янада юксалтириш учун муҳим омил ҳисобланади.

Ўткир ШОМУРОВ,
ТДПУ Касб таълими факультети
4-босқич талабаси

Jarayon



Таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологиялар, ноанъанавий усулларни қўллаш ўқувчи-ёшларнинг билимини бойитиб, дунёқарашини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчининг ўтиладиган мазмуни моҳиятини чуқур ҳис этишида уларнинг қизиқишларини инobatга олган ҳолда, турли усуллардан фойдаланиш кўзланган самарани беради. Масалан, 4-синфда тенгламалар масалалар асосан арифметик амалларнинг компонентлари орасидаги боғланишдан фойдаланиб ечилади. Шу муносабат билан бир вақтда ҳам чап томонида, ҳам ўнг томонида ўзгарувчи бўлган тенгламаларни ечиш махсус таълим ўқувчилари учун бирмунча қийинчилик туғдириши мумкин. Ҳолбуки, ечилиши 4-синф ўқувчиларига тушунарли бўлган мураккаброқ масалаларни оддий тарозидан фойдаланиб, аниқ тасавурлар асосида ечиш мумкин. Бу ўқувчи учун бирмунча қизиқарли кечади. Мазкур методик усулнинг мақсади ўқувчиларнинг қизиқли тенгламаларни ишлаш борасидаги маҳоратларини ошириш ва янада такомиллаштиришга қаратилган.

Мазкур ноанъанавий усулдан фойдаланиш тартиби мурак-

Maxsus ta'lim



МАТЕМАТИКАДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

каб эмас. Тарозидан фойдаланиб тенгламаларни ечишда тарози приборини қўллаш мақсадга мувофиқ. Айниқса, алоҳида билим ва малака талаб қилинадиган махсус мактаб-интернатлар, жумладан, «Кўзи ожизлар ва заиф кўрувчи болалар» махсус мактаб-интернати ўқувчилари учун бу усулни қўллаш яхши самара беради. Бундай таълим даргоҳларида таҳсил олаётган ўқувчиларнинг қўл сезгилари ёрдамида тарози ва унинг тошлари ушлатилади. Сўнгра бу ҳақда улар онгида муайян тасавур ҳосил қилиниб, масалани ечишга киришилади. Масала қуйидагича бўлиши мумкин:

Тарозининг бир палласида ун солинган иккита бир хил пакет ва уч килограммлик ҳамда беш килограммлик тошлар қўйилган. Тарозининг иккинчи палласига эса 3та ун солинган пакет ҳамда 1та 3 килограммлик, 2та 1 килограммлик тошлар қўйилган. Тарози паллалари мувозанати сақланган. Ун солинган 1та пакетнинг массаси қанча?

Масаланинг шартига кўра тенгламани ёзмамиз:

$$2x+3+5=3+1+1+3$$

Тенглама соддалаштиришлардан кейин қуйидагича кўриниш олади:

$$2x+8=3x+5$$

Тарозининг икки палласидан 5 килограммлик тошни оламиз. Ушбу тенглама ҳосил бўлади:

$$2x+3=3x$$

Энди ҳар қайси палладан иккитадан унли пакетни оламиз: $x=3$ ни ҳосил қиламиз.

Демак, ун солинган битта пакетнинг массаси 3 килограмм экан.

Бундан кўриниб турибдики, ўқувчи масалани ечиш жараёнида ўзининг сезги ҳислари билан бирга, ақлий қобилиятини ҳам ишга солади. Бу билан унинг фикрлаш доираси ҳам кенгайди. Аслида, бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, татбиқ этилаётган янгиликларнинг мазмун-моҳияти ҳам ана шу мақсадларни кўзлайди.

Нафиса ХОЛМАТОВА,

Жиззах вилоят
кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар
махсус мактаб-интернати
математика фани ўқитувчиси.

...У битган сатрлар шеърийнинг барча талабларига жавоб бермаслиги мумкин. У кўпчилик томонидан эътироф этилган шоир ҳам, маҳорати мукофотланган ижодкор ҳам эмас. Оддийгина ўқувчи. Лекин унинг шеърий машқларида ёш ижодкорнинг кичкинагина юраги, истеъдоднинг яширин ифодаси бор. Ана шунинг учун ҳам Учтепа туманидаги 197-мактаб ўқувчиси Зоҳиржон Шукуров «Истеъдод, истеъдод ва яна истеъдодларни излаб топиш» номли кўриктанловнинг голиби деб топилди.



Tanlov

АДАБИЁТ БОҒИ ҒУНЧАЛАРИ

«ИСТЕЪДОД» ТАНЛОВИДА КЎЗ ОЧДИ

Халқ таълими вазирлиги, РТМ, Тошкент шаҳар ХТББ ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир мактаб ўқувчиларининг иқтидорларини кашф этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилди. Унда барча туманлардан адабиёт, шеъриятга меҳри баланд 50 нафардан ортиқ ёш ижодкор, уларнинг ота-оналари, устозлари иштирок этди. Ёш қаламкашларнинг маҳора-

тини баҳолаш учун эса, элимиз ардоғидаги санъаткорлар, ёзувчию шоирлар таклиф этилди.

Шеърий машқларни баҳолаш учун сўз олган Ўзбекистон Ёзувчилар уюммаси «Болалар ва ўсмирлар адабиёти кенгаши» раиси Турсунбой Адашбоев шеърият йўлида тинимсиз меҳнат ва изланиш талаб этилишини айтиб ўтди. Ёш ижодкорларни адабиёт бўсто-

нига кириб келганлари билан табриқлаб, бу йўлда омад ва зафарлар тилади.

Кўриктанловда 2-ўринга Чилонзор туманидаги 195-мактаб ўқувчиси Мафтуна Қахрамонова, 3-ўринга эса, Миробод туманидаги 154-мактаб ўқувчиси Моҳия Узоқова лойиқ деб топилди.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
«Ma'rifat» муҳбири



Ўрта аср алломаларидан бирининг «Кўкнинг зийнати юлдузлар билан, ер юзининг зийнати эса олимлар билан» деган сатрлари айна ҳақиқат. Мирзо Улуғбек ана шундай зийнатлардан бири бўлиб дунёга танилди.

Темурийлар сулоласининг ёрқин вакили Муҳаммад Тарағай ёшлигидан диний ва дунёвий илмларни чуқур ўрганган. 15 ёшидан Мовароуннахр ҳукмдори бўлган. Гарчи жангу жадалларга майли бўлмаса-да, Улуғбек бобоси Амир Темур асос солган буюк ва қудратли давлатни сақлашга, ривожлантиришга катта ҳисса қўшган. Айниқса, унинг шаҳарсозлик маданияти, илм-фандаги хизматлари буюқдир.

лар қилинган бўлса-да, ҳали унинг очилмаган, ўрганилмаган сирлари олимлар олдида жумбоқлигича қолмоқда.

Қурилишлар қаторида Улуғбек кўнгилочар масканлар, боғлар барпо этди. Спорт ўйинларини ташкиллаштирди. Бизгача етиб келган миниатюра асарларида чавгон ўйинларини, кураш, камондан ўқ отиш, ов манзараларини ва ёшларни чиниқтириш мақсадида уюштирилган турли спорт мусобақалари тасвирларини кўриш мумкин. Бу



Moziydan sado

МАНГУЛИККА МУҲРЛАНГАН МАЪНАВИЙ МЕРОС

Улуғбек даврида ободонликка катта эътибор берилди, шаҳарлар гуллаб-яшнади, ҳунармандлик, меъморлик ва адабиёт равнақ топди, савдо ривожланди, илм-фан юксалди. Улуғбек атрофига буюк олимларни тўплади, илмий мактаб яратишга, ўша давр академиясини барпо этди ва турли мавзуларда рисолалар яратилишига ҳисса қўшди.

Унинг даврида илм-фан ўчоқлари ҳисобланмиш мадрасалар қуришга алоҳида аҳамият берилди. Хусусан, Самарқандда (иккита), Бухорода, Ғиждувонда зиё масканлари — мадрасалар бунёд этилди. Уларда диний ва дунёвий билимлар ўқитилди. Улуғбек жамоат иншоотлари — карвонсаройлар, ҳаммомлар, кутубхоналар бунёд этишга, кишиларнинг маданий ва маиший шарт-шароитларини яхшилашга катта аҳамият қаратди. Амир Темур даврида қурила бошланган Самарқанддаги Бибиҳоним масжиди, Гўри Амир мақбараси, Шохизинда мажмуаси, Регистон майдони, Шаҳрисабздаги Дорултиловат каби мажмуаларнинг битказилмай қолган қисмларини поёнига етказди.

XV аср сайёҳи, тарихчи Абдураззоқ Самарқандий: «Самарқанд шаҳрининг ичида, шаҳарнинг ўртаси ва майдонининг марказида, Арки Олийга яқин мавзеда бир-бирига рўбарў мадраса ва хонақоҳ бино қилиб, бу икки мақомни қуриб тамомлаш борасида бир неча йил давомида саъй-ҳаракатлар кўрсатди. Уларнинг баландлиги ва безаклари баланд осмоннинг ғашини ва Чин суратхонасининг рашкини келтирар эди», деб таърифлаганди.

Ўша даврдан қолган нодир ёдгорлик Улуғбек расадхонаси Бобур маълумотича, Кўҳак(Чўпонота) тепалигининг этагига уч қаватли қилиб қурилган. Унда жой-

лаштирилган ўндан ортик қурилмалар ва асбоблар орқали Қуёш, Ой ва сайёралар кузатиб ўрганилиши натижасида астрономияга оид илмий асарлар битилган. Улар ичида энг машҳури «Зижи Кўрагоний» номи билан дунёга танилган.

Абдураззоқ Самарқандий маълумотида кўра, Улуғбек Самарқанднинг шимолида мос бир жойни танлаб, шуҳратли ҳақимлар иштирокида расадхона қуришни бошлаган ва «... у олий бунёд ва улугсифат иморатнинг хоналари ичига тўққиз фалакнинг ҳайъатию тўққиз (осмон) доиралари шакллари даражалар, дақиқалар, сониялардан тортиб то ошираларгача (чизилди) ҳамда айланувчи фалаклар, етти сайёра юлдузлари, собита юлдузлар кўриниши ва ер курраси ҳайъатию иқлимлар суратларини тоғлар, биёбонлар ва у (ер куррасига) нимаки тегишли бўлса (ҳаммаси) билан бирга дилпазир нақшлару беназир рақамлар билан чизишга буюрди».

1908 йили археолог В.Л.Вяткин ва кейинги йилларда Ўзбекистон олимлари раҳбарлигида расадхона харобаларида олиб борилган археологик қазишмалар натижасида айланаси 48 метр, ташқи деворларининг қалинлиги икки метрдан кам бўлмаган, тўрт томондан ҳашамдор эшикли улкан иморат марказида бош қурилманинг қолдиқ қисмлари ва унинг икки ёнида жойлашган заллар, катта-кичик хоналар, йўлаклар бўлганлиги аниқланган.

Хароба уюмлари орасидан эса қурилиш ашёларининг бўлаклари — турли рангдаги деворий қопламалар, парчин ва кошин парчалари, мармар тоштахталарга битилган градус белгиларини ифодаловчи ёзувлар топилган.

Бу афсонавий ёдгорликни ўрганиш бўйича кўп иш-



каби машқлар, албатта, махсус майдонларда, тоғ ёнбағирларида, кенг ялангликларда ўтказилган. Тарихий манбаларда Самарқанд атрофларида жойлашган Гулбоғ, Лолазор, Бедана кўриғи, Кониғил яланлиги, Чумчуқлик, Фозхона, Богимайдон каби кўнгилочар жой номлари сақланиб қолган.

Богимайдон Самарқандда Афросиёб тепалиги билан Чўпонота ўртасида расадхонага яқин ерда жойлашган бўлиб, Улуғбек даврида бу ерда Чилустун саройи қад кўтарган. Бу ҳақда Бобурнинг маълумотлари қизиқарли: «Пуштаи Кўҳакнинг доманасида ғарб сари боғе солиптур, Боғи Майдонга мавсум. Бу боғни ўртасида бир олий иморат қилибтур. Чилустун дерлар...». Яна Бобур саройининг икки қаватли, асоси тошдан эканлиги, унинг айвонидаги устунларнинг шакли кўпқиррали ва бурама кўринишида тошдан йўниб ишланганлиги ҳақида ҳам маълумот беради. Саройнинг тўрт бурчагида миноралар бўлиб, иккинчи қаватта шу миноралардаги зиналар орқали чиқилган. Иккинчи қаватнинг ўрта қисмида(чордара) тўрт томондан эшиги бўлган уй бўлиб, унинг атрофи устунлари тошдан йўнилан равоқ кўринишидаги айвондан иборат бўлганлигини айта-



ди ва яна давом этиб, «бу имораттин пушти Кўҳак сари доманада яна бир боғча солибтур, анда бир улуг айвон иморат қилибтур. Айвоннинг ичида бир улуг тош тахт кўюбтур... Ушбу боғчада яна бир чордара солибтур, изораси тамом чиний, Чинийхона дерлар. Хитойдин киши йибориб келтурубтур», деб ёзади.

Бу саройлар ҳам Самарқанддаги бошқа кўплаб иморатлар каби Улуғбек ўлиmidан кейин харобага айлантирилиб, қурилиш материаллари бошқа қурилишларга ташиб кетилган. Харобалар асрлар ўтиши билан ғишт тепаларга айланди ва халқ ёдида уларнинг номларигина сақланиб қолди.

Шунга қарамай, бу ёдгорликларнинг ўрни аниқланиб, олиб борилган археологик қазишмаларда Чилустуннинг тўғри тўртбурчакли супа кўринишидаги тошдан иш-

ланган асоси қолдиқлари топилган. Унинг Шарқ томонида эса чеккасига мармар тошлар терилган ҳовуз бўлганлиги аниқланган. Чиннихона ўрнида ўтказилган қазишмалар натижасида Бобур эслатган полига тўртбурчакли(25x25x4,5 см.) пишиқ ғишдан терилган айвоннинг бир қисми очилган. Унда унча катта бўлмаган(айланаси 1,5 метрча) саккиз қиррали ҳовузча ўрни ва ундан сал нарида устки юзасига олти қиррали ғишлар терилиб, чеккаларига икки қатор ҳаворангли сиркор ғиштчалар терилган супа бўлганлиги аниқланган.

Айвондан 50 метрча нарида ҳам атрофларига силлиқланган мармартош тахтачалари қопланган ва айланаси бир метр бўлган ҳовузча ўрни очилган. Бу ҳовузчадан нарироқда юза қисми гоётада нафис қилиб сирли қошиндан ишланган девор қолдиқлари топилган, иморат пештоқининг(кириш эшиги) бир қисми аниқланган. Эҳтимол, Бобур эслатиб ўтган чордара кўринишидаги иморатнинг бир томонидаги пештоқ шу бўлса... Қазишмалар вақтида жуда кўплаб топилган чинни тахтачалар, рангли шишалар, ўйиб ишлов берилган тош тахтачалар, панжаралар, сопол қувурлар, турли рангдаги парчин, кошин парчалари аҳамиятга эга. Топилган тош тахтачаларнинг бирида куфа ҳарфида ёзилган ёзувда тилак тилаш маъносига «Бахтли бўл», деган ёзув қизиқарлидир.

Номлари тилларда достон бўлиб қолган Расадхона, Чилустун, Чиннихона каби замонасининг тенгсиз меъморий ёдгорликлари Самарқанднинг кўркига-кўрк қўшиб турган. Шубҳа йўқки, Улуғбек ўзи яратган «Тўрт улус тарихи», «Рисолаи Улуғбек» ва дунёга танилган «Зижи Кўрагоний» каби асарларини шу оромгоҳларда яратган.

P.S. Шу ўринда бир қувончли воқеани айтиб ўтмасак бўлмас. Айна кунларда Самарқанд шаҳрида Мирзо Улуғбек расадхонаси музейини барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Бу улуг аллома аждодимизга чексиз эҳтиром рамзи бўлиши билан бирга Мирзо Улуғбекнинг илм-фан, санъат, маданият ва сиёсат борасида амалга оширган, ҳали бизга маълум бўлмаган яна кўпдан-кўп хизматларини очиб беришига шубҳа йўқ.

Ўткир АЛИМОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейининг етакчи илмий ходими



Бола мультфильм орқали дунёни англайди. Масалан, ўзим ҳам «Зумрад ва Киммат» мультфильми орқали яхши ва ёмон хислатларни англагандай бўлганман. Зумрадга ўхшашга ҳаракат қилганман. Унинг муомаласи ва ишчанлигига тақлид қилар эдим. Энди билсам, китоб билан дўстлашганимга қадар мультфильмлар ҳаётимнинг маънавий қисмини тўлдириб турган экан.

Бугунги кун мультфильмлари ва болалар учун ишланаётган кинофильмлар ҳам мана шундай тарбиявий аҳамиятга эгами? Уларни томоша қилаётган болалар қахрамонларга тақлид қилишса, маънавиятига, ўзлигига путур етмайdimи?

Куйида айна мавзуда бир қатор хорижий мамлакатларда олиб борилган тадқиқотлар ҳамда уларнинг хулосалари хусусида мулоҳаза юритилади.

**ХАВФСИЗЛИК
ҚОИДАЛАРИ: УНИ
КИМДАН
ЎРГАНИШМОҚДА?**

АҚШдаги Атланта Касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш маркази бошлиғи

кўрсаткич кейинги даврда 37 фоиз, 1995–1998 йиллардаги киноларнинг 27 фоизиди кузатилади. Охириги пайтлардаги фильмларда фақатгина қахрамон кўчада пиёдалар ўтиши мумкин бўлмаган жойдан ўтган бўлса, олдинлари бу

қилинади. Қизалоқ ўзининг резинали қизил кўлқопини тасавурида кучукча деб олиб юради. Бу энг мунгли мультфильмлар қаторидан жой олган. Уни кўрган болаларда умидсизлик кайфияти уйғонади. «Мушук уйи» мультфильми ҳам ғамгин «томоша»лар сирасига қиради. Шунингдек, унда ахлоқ меъёрларининг бузилганлигини ва гугурт билан ўйнаш ҳолатларининг акс этганини кўришимиз мумкин.

«Оёқланг Ген» XX асрнинг 80-йилларидаги ҳар бир боланинг кўркувиги сабабчи ҳисобланар эди. Унда Хиросима воқеалари бор фожиаси билан кўрсатиб берилган. «Мио, менинг Миоим» мультфильмида эса ҳеч кимга керак бўлмаган бола ҳақида гап кетади. Унда бола Стокгольмдан фантазиялар мамлакатига тушиб қолади ва у ерда умр-

ҳаларида чет эл таъсири сезилаётганини таъкидлайди. Уни кийиниш маданиятидаги ўзгаришларда, кўшиқлар ва кино соҳасидаги янгиликларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бойликка, пулга бўлган қизиқишнинг(маънавий бойликларни бир четга суриб), зўравонликнинг анъанавий одат ва қадриятларни йўқотишига сабаб бўлувчи саҳналар — мультфильмларда ҳам акс этишини исботлаган. Миллионлаб одамларни жамлаган аудиторияларда намоиш этилаётган бу асарларда ҳам ҳар бир қадамда зўравонлик ва бойликка муккасидан кетиш борлигини кўрсатади. «Том ва Жерри»да ҳам дўстларнинг бир-бирига макр ишлатишлари, фитналарни қахрамонлик даражасига кўтараётганини таъкидлайди. Бундан ташқари унда техника хавфсизлигининг

Dolzarb mavzu

ўсмирларга таъсирини ўрганаётган Наталья Маркова билан шу мавзуда суҳбат олиб борилади. У мультфильмларни кўриш баробарида болаларда тажовузкорлик руҳининг кучайиб кетаётганлигини таъкидлайди. Тажовузкорлик, бировга озор етказиш ва ундан лаззат олишга қақирадиган, шунга жалб қиладиган мультфильмлар кўпайиб кетган. Ҳатто бу «Том ва Жерри» каби оммавий тарзда тарқалган мультфильмларда ҳам маълум маънода борлигини айтиб ўтади. «Покимон» каби мультфильмлар эса ашаддийлари ҳисобланади.

Доктор Салли Ворд (Буюк Британия) охириги йигирма йилликда болалар фақат кўриш орқали ахборот олиши

ХАВФСИЗЛИК ВА МУЛЬТФИЛЬМ

Жон Эрик Тонгрэн бошчилигидаги илмий гуруҳнинг маълум қилишича, болалар учун ишланаётган фильмларда қахрамонлар аввалгиларга қараганда кўпроқ хавфсизлик қоидаларини бузаяптилар. Масалан, шлем(темир қалпоқ)сиз мотоцикл ҳайдайдилар, кутқарув жилетсиз кемага тушадилар, машинада хавфсизлик камарисиз ҳаракатланишяпти. Бу тадқиқот тўғрисида «Рейтерс» манбаси хабар берган эди.

— Бола кўпинча фильмда нимани кўрса, шунга тақлид қилади. Агарда бола тасавуридаги «қахрамон», техника хавфсизлигини бузса унга ўқитувчининг «бундай ҳаракат тўғри эмас» деган уқтириши у қадар таъсир этмаслиги маълум бўлди, — дейди Жон Эрик Тонгрэн.

Олим 67та энг машҳур фильмлардаги ҳодисаларни белгилаб чиқди ва уларни алоҳида босқичларга ажратиб таққослаб ўрганди. Ўрганиш 3та босқичда амалга оширилди. Биринчи босқич 1998–2000, 2-босқич 1995–1997 йиллар оралиғи ва ниҳоят, учинчи босқич 2003–2007 йилларда ишланган болалар фильмларини ўз ичига қамраб олади. 2003–2007 йилларда яратилган фильмларда 56 фоиз йўловчилар хавфсизлик камарисиз намоён бўлади. Бу

кўрсаткич 15 фоизни ташкил этган холос. Шундай экан, бу болаларнинг қоидаларга риоя қилиши борасида жиддий муаммолар юзага келишига сабаб эканини кўрсатади. Умуман олганда, киноларда хавфсизлик ҳолатларига тўлиқ риоя қилиш ҳолатлари жуда кам.

**КЎРҚУВ ВА ҒАМ
ЭКРАНДАН ЧИҚДИ**

Ростдан ҳам куннинг асосий қисмини телевизор қаршида ўтказувчи болалар нимани томоша қилаётгани жуда жиддий мавзу. Чунки илк тасавурлар инсон ҳаётининг сўнгига қадар унинг хотирасида сақланади. Бугун эртақ эшитувчи болалар жуда кам. Энди улар учун кечқурунлари ухлаш олдида эртақ ёки достонлар тинглаш зерикарли туюлмоқда. Уларнинг маълум маънодаги тарбиячиси телевизор ва компьютердир. Шунинг учун экрандаги «устоз»нинг «сабоқ»лари аҳамиятини ўрганиш жуда долзарб масала. Мультфильмлардаги ҳар хил ёмон оқибатларга олиб келувчи саҳналар анча олдин ҳам кузатилгани тўғрисида бир неча интернет сайтларида мулоҳазалар бор. «Бошмалдоқли кўлқоп» мультфильмида болага ота-онаси кучук олиб бермагани тўғрисида ҳикоя

**БОЛА
ТАРБИЯСИДА
МУҲИМ
АҲАМИЯТГА ЭГА**

бод қолиб кетишга қарор қилади. Бу Ватанга бўлган муҳаббатни сўндиришга, умидсизликка олиб келади. «Отсиз чавандоз» ҳам кўрқинчи фильмлар қаторидан жой олган. Уни кўрган кўп болалар кечаси уй ойнасининг олдида отнинг кишнаган овозини эшитгандай бўлишган экан. Бу каби мультфильмлар рўйхатини узок давом эттириш мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, болалар олами жуда беғубор. Бу оламга ҳеч кимнинг кўркув ва бузғунчи ғояларни олиб киришга ҳаққи йўқ.

**ҒАРБ МУЛЬТФИЛЬМИ:
УНДАН ЭХТИЁТ
БЎЛИНГ!**

Бугун ҳамма ОАВда «оммавий маданият» таҳдиди тўғрисида жар солинмоқда. Бунга нима сабаб бўлмоқда? Оммавий маданиятнинг ўзи нима? Рус олими Александр Туманов Ғарб оммавий маданиятининг бошқа давлатларга ёпирилиб кириши борасидаги мақоласида жамият ҳаётининг барча со-



бузилиши ҳолатлари ҳам бор. Агар реал ҳаётда «Том ва Жерри»даги каби одамлар бир-бирининг бошига белкурак билан урадиган бўлса, жиддий жароҳат олиши, ундан ҳам аяничи оқибатларга олиб келиши мумкин.

«Скружа Мак-Дака»даги асосий қахрамон ўрдақ Скруж амаки каби пулга, бойликка меҳр кўяди. Олтинларни, пулларни ертўлаларга яширади. Бойликка бўлган ҳирсни уйғотувчи бу мультфильмни Александр Туманов жиддий танқид остига олади. Уларни кўрган болаларда ўзаро бир-бирини бой ва камбағалга ажратиш ҳолатлари пайдо бўлишини таъкидлайди.

Портал-слово.ру электрон манбасида «Америка мультфильмларининг зарари» номи суҳбат эълон қилинган эди. Унда социология фанлари номзоди, охириги пайтларда оммавий ахборотнинг болалар ва

кучайганлигини аниқлади. Улар ҳис-ҳаяжон ва мулоқотдан ахборот олишга қийналишмоқда. Шунинг учун уларнинг телевизордаги тарбиячилари ва ахборот берувчиларининг қанақалиги билан жиддийроқ қизиқиш керак.

**ХУЛОСАГА ҲАЛИ
БОР...**

Гарчи Ўзбекистон телеканалларида ахлоқсиз ва савия жиҳатидан паст бўлган мультфильмларга жой берилмаган бўлса ҳам, бу муаммо бизга тааллуқли эмас экан, деган хулосага келишга шошилманг. Чунки огоҳлик — давр талаби. Авваламбор, бизда бу каби муаммолар бўлмаслиги учун курашмоғимиз лозим. Кўчадан болангиз учун мультфильм дискини олаётганда, фикр қилинг: бу — болага қандай таъсир кўрсатади.

**Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбири**

Мексика кўрфазида нефтнинг океанга оқиб кетиш хавфини бартараф этиш ишлари учун «Бритиш Петролиум» компанияси томонидан 350 миллион доллар ажратилди. Ушбу маблағ нефть оқимини тўхтатиш ва зарар кўрган мамлакатларга бадал тўлаш учун сарфланмоқда. Аммо ушбу маблағ муаммонинг тўлиқ ечим топиши учун етарли эмас, деб хабар берди АП.

Ҳозирда компания Мексика кўрфазида юз берган экологик муаммони ҳал этишнинг самарали йўлларини изламоқда. Шу мақсадда янги гумбазсимон қурилма ишлаб чиқиш саъй-ҳаракатлари бошланди. Эслатиб ўтиш жоиз, бундан аввал ҳам шу каби ускунани нефть қудуғига туширишга ури-

НЕФТЬ ҚУДУҒИ: МУАММО ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПАДИ?

ниб кўрилганди. Аммо «гумбаз» ҳажми ўта катта (унинг вазни 100 тоннага яқин) бўлгани сабаб ўрнатишнинг удасидан чиқилмаганди. Ҳозирда эса бироз кичикроқ ҳажмдаги ускуна яратиш устида иш олиб борилмоқда. Унинг ёрдамида қудуқ ва сув юзасидаги бурғилаш кemasи туташтирилиши режалаштириляпти.

Айни пайтда мутахассислар янги технологиянинг мураккаблигини эътиборга олган ҳолда бу усул аниқ амалий самара беради, дейишга шошилмаяпти. Бундан ташқари, муаммони ҳал

этишнинг яна қатор йўллари таклиф этилмоқда.

— Олдинга «қора олтин» оқимига уни суллаштирувчи кимёвий модда — диспергаторлар аралаштириляётганди, — деди бу борада компания вакили Дуг Саттлз. — Аммо уларнинг атрофмуҳитга салбий таъсир кўрсатиши инкор этилмагач, ишлар тўхтатилди.

Шунингдек, мутахассислар технологик фалокат юзага келган қудуқ «оғзи»га махсус чиқиндилар ёрдамида тикин қўйишни ҳам таклиф қилишмоқда. Саттлзнинг таъкидлашича, барча ишлар

қоронғуда, 1,5 километрдан ортиқ чуқурликда, масофадан туриб бошқариладиган роботлар орқали амалга ошириляётгани қўйинчилик туғдирипти.

Эслатиб ўтамиз, Мексика кўрфазидаги «Дипвотер Хоризон» нефть платформаси 36 соатлик ёнғиндан сўнг сув остига фарқ бўлган. Чўкаётган пайтда эса нефть қудуғига зарар етказгани оқибатида ундаги нефть денгизга сизиб чиқа бошлаган. Океан ва атмосфера тадқиқотлари бошқармасининг берган маълумотларига қараганда, ҳозирда қудуқдан қунига 5 минг баррелдан кам бўлмаган микдордаги нефть сувга оқиб чиқмоқда. Шу кунгача унинг 90 минг баррелини йигиб олишга муваффақ бўлинган.

Муҳайё НУРМЕТОВА тайёрлади.

КУЗДА ИСТЕЪФОГА ЧИКАДИ

Буюк Британия бош вазири Гордон Браун мамлакатда ҳукмронлик қилаётган Лейбористлар партиясининг навбатдаги йиғилишида ўз ўрнини бўшатишини маълум қилди. «Би-Би-Си» ахборот агентлигининг хабар беришича, мазкур тадбир жорий йилнинг сентябрь ойида ўтказилади.

Аслида Гордон Браун бундан уч йил олдин ўша пайтдаги Бош вазир Тони Блэрнинг истеъфосидан сўнг партия раҳбари ўрнига тайинланганди. Лекин ўтган ҳафта мамлакатдаги парламент сайловларида лейбористлар охириги 13 йил мобайнида илк марта таба етакчиликини қўлдан бой берди. Бунда оппозицион Консерватив партия Куйи Палатадаги 650та ўриндан 306тасига эга бўлган ҳолда партияси 258та, либерал демократлар 57та ўринга эга бўлди. Шунга қарамай, мамлакат Конституциясида белгиланганидек, у ёки бу партиянинг мутлақ етакчилиги қайд этилмаган вазиятда амалдаги Бош вазир ҳукуматни шакллантириш ҳуқуқини сақлаб қолади.



Буюк Британияда ҳукуматни шакллантириш учун партияларнинг бири парламент Куйи Палатадаги жорий йилдан 650тага оширилган ўринлардан аксарият қисми — камида 326тасига эга бўлиши талаб этилади. Бироқ агар бир партияли ҳукуматни ташкил этишнинг имкони бўлмаса, у ҳолда бир нечта партиялар бирлашиб коалиция тузиш ҳуқуқига эга. Шу сабаб Гордон Браун мазкур жараённи бошлаш мақсадида бошқа партия раҳбарлари билан музокаралар олиб боришга рухсат сўраб ҳукумат аппарат раҳбарига мурожаат этди. Агар шунда ҳам зарур миқдордаги овозларга эга бўлинмаса, у ҳолда мамлакатда қайта сайловлар ташкил этилади.

АМАЛИЁТГА ЖОРИЙ ЭТИШГА ТАЙЁР!

«Сувости варраги» деб номланган янги технология океан ва денгизлар сувининг кўтарилиши пайтида электр энергиясини ҳосил қилишга қаратилган. Мазкур технологиянинг эндиликда амалиётга жорий этилиши кўзда тутиляпти. Швециянинг «Минесто» компанияси шу мақсадда «Дип Грин» дастурини ишлаб чиқди ва 2 миллион евро миқдорда сармоёга эга бўлди. Бу ҳақида «Иннованьюс» манбаси хабар тарқатди.

Лойиҳага ажратилган маблағ Шимолий Ирландия соҳилларидан узоқ бўлман ҳудудда табиий шароитда компания маҳсулотини синаб кўриш имконини беради. Гап шундаки, мутахассислар «сувости варраги» тамойили асосида ишлайдиган янги турдаги турбина(сув, буг ёки газ кучи билан ишлайдиган двигатель)ни яратган. Ушбу аппаратнинг ишлаши варракка қийс-лангани бежиз эмас. Чунки у сув юзаси устидаги қанотсимон ускунага маҳкамлаб қўйилган гидротурбинадир. «Дип Грин» бошқарув механизмига эга бўлгани сабаб у белгиланган траекториядан оғишмай ишлайди. Хавфсизлик мақсадларида қурилма траектория ҳамда тўлқинларнинг максимал ва минимал чуқурлиги, гирдобли ҳаракат (турбулентлик), яқин масофада ҳаракатланаётган йирик объектларни кузатиши мумкин.

Аппарат океан тубига 100 метрлик қалин пўлат арқон билан маҳкамланган. Сув оқими турбинага урилганида унинг тезлиги океан тўлқинининг кўтарилишидаги асл тезлигидан ўн баробар катта бўлишини лойиҳа муаллифлари таъкидлашмоқда. Қурилманинг ўзига хос томони шундаки, у паст тезликда ҳам ўта чуқур сувости ҳудудларида ишлай олиш қувватига эга. Шу сабаб келгусида унинг ёрдамида ҳали ўрганилмаган океан туби қисmlари ўзлаштирилиши мумкин.

Компания ходимлари томонидан қурилма кейинги йили Шимолий Ирландиядаги Странфорд Лох ҳудудида тўла қувват билан амалда синаб кўрилиши маълум қилинди. 3 йилдан сўнг эса у сотувга чиқарилади.

УЛКАН ЭЧКЕМАРНИНГ ЯНГИ ВАТАНИ

Кичик Зонд ороллари улкан эчкемарлар истиқомат қиладиган ягона макон эмаслиги аниқланди. Сабаби, Индонезияга қарашли Молукк архипелагида узунлиги 1,3 метрга тенг олов рангдаги эчкемар тури борлиги маълум бўлди, дейилади риан.ру сайтыда.

Янги турдаги жонзот Vaganus oboг номи билан биология дарсликларига киритилди. Уни яна бошқача — олов эчкемар деб ҳам аташган, чунки судралиб юрвчининг бош қисми ўта ёрқин рангда ва танасида ялтироқ қора тангачалари ҳам бор.



— Уларнинг энг йириклари 2 килограммгача оғирликда бўлади, — дейди Калифорния университети ходими, тадқиқотчи Самуэль Свит. — Улкан калтакесак ялтироқ тангачалар туфайли танасига ёруғлик тушганида ўзгача товланади.

Олов эчкемар Кичик Зонд ороллари туркумидаги Комодода яшайдиган яна бир турдаги катта калтакесак оиласига мансуб. Узунлиги уч метрга етадиган ушбу судралиб юрвчи илм-фанда Комодо аждарҳоси, деб юритилади. Ундан фарқли равишда олов эчкемар ҳашаотлар, майда турдаги рептилия (судралиб юрвчи)лар билан озикланади. Биологлар у йиртқич эмаслигини айтишган. Ҳайвон тез югуради ёки судралиб юради, сувда жуда яхши ҳаракатланади ва қийинчиликларсиз ер кавлайди. Шу билан бирга, оловранг эчкемар ҳозирда танасида қизил тус бор ягона йирик турдаги калтакесак ҳисобланар экан.



ОКСИЛ ФАОЛЛИК ОМИЛИ

Олимлар иммунитет тизими фаоллигига таъсир кўрсатадиган оксилни аниқлашга муваффақ бўлган. Профессор Марк Гинсбер лабораториясида амалга оширилган мазкур йўналишдаги илмий тажриба натижалари «Нейчэ Иммуноложи» журналида чоп этилган.

Аниқланишича, инсон соғлиги иммунитет тизимининг барча асосий ташкилий қисmlарининг ўзаро мувофиқ фаолиятига боғлиқ экан. Уларга, жумладан, В-лимфоцитлар хужайралари фаолиятини белгиловчи тизим ҳам киради. Ушбу тизим ўз навбатида антижисм(организмда антигенлар пайдо бўлиши билан юзага келадиган ва уларнинг таъсирини йўқотадиган модда)лар синтезини таъминлаб беради. Организм танага тушган инфекцияга ўз вақтида қарши кураша олиши учун эса иммунитет тизими томонидан антижисмларни синтезловчи В-лимфоцитлари ишлаб чиқарилиши зарур.



Мазкур жараёнларни эътиборга олган ҳолда изланиш олиб борган Калифорния университети тадқиқотчилари Франция ва Германия олимлари биргаликда CD98hc оксили фаолияти аниқ-са муҳим эканини исботлашган. Гарчи бу оксил узоқ йиллардан бери ўрганиб келинаётган бўлса-да, унинг иммунитет тизимида организмни химоялашдаги ўрни етарли даражада тадқиқ этилмаганди. Олимлар мазкур тадқиқот тиббиётда улкан ютуқларни қўлга киритишга асос бўлишини башорат қиляпти.


700 ЙИЛЛИК ОСИЁ ИҚЛИМИ

Осиё китъасининг сўнгги 7 асрлик муссон шамоли билан боғлиқ иқлим ҳолати ўрганиб чиқилди. Эндиликда мазкур ҳудуддаги ёғингарчилик хусусиятларини белгилаш, ўзига хос иқлим моделини ишлаб чиқишга ҳам имконият яратилади. Ўз навбатида янги моделдан сайёраимиз аҳолисининг қарийб ярми истиқомат қиладиган китъа об-ҳаво шароитини олдиндан башорат қилишда фойдаланиш мумкин. «Сайнс» нашрининг охириги сонидан мавзуга бағишланган мақола нашр этилди.

Тадқиқот муаллифлари 15 йил давомида Осиёнинг турли — Покистондан Япониягача, Сибирдан Австралиягача бўлган ҳудудларида иш олиб боришган. Биринчи галда улар мавсумий муссон шамоли ва ёғингарчиликларнинг вужудга келиш механизмларини ўрганишга ҳаракат қилган.

Айни пайтда иқлимшунослар муссон ҳодисасини тўла ўрганиш имконини берадиган моделга эга эмас. Бунинг устига, глобал исиш ҳолати кузатилаётган бугунги кунда муссон туфайли юзага келадиган ёғинлар қандай кузатилиши ҳам олимларни ўйлантирмоқда. Чунки ёғингарчилик даражаси ошиши ёки камайиши борасида бирон-бир маълумот йўқ. Шунинг учун мазкур йўналишда изланиш олиб бориш учун олимлар ўтмишда ҳудуд об-ҳавоси қандай бўлгани борасида аниқ маълумотларга эга бўлиши зарур эди.

Тадқиқотда китъа мутахассислари билан биргаликда Колумбия университетининг Ер обсерваторияси илмий ходимлари ҳам иштирок этган. Натижада, охириги 700 йил ичидаги Осиё иқлимининг ўзгариши ҳолати китъа дарахтлари танасидаги айланалар таҳлили ёрдамида аниқланди. Сабаби, ёғочда ҳалқанинг пайдо бўлиши аниқ бир йилдаги об-ҳаво ҳарорати ва ўсимликлар ўсишига таъсир кўрсатувчи бошқа табиий омилларга ҳам боғлиқ. Шундан келиб чиққан ҳолда ҳозирча олимлар Осиёнинг турли бурчакларидаги қадимий дарахтларни ўрганишга улгурди. Хулосалар яқин орада эълон қилинади.



Н.РУСТАМБЕКОВА тайёрлади.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси бошқарма ходими Бобур Мамажоновга акаси

Тоҳир МАМАЖОНОВнинг вафоти муносабати билан таъзия билдиради.

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ва бирлашган касаба уюшма кўмитаси бошқарма бўлим бошлиғи Сайдували Усмоновга волидаи муҳтарамаси

ҚУМРИ аянинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Сергели туман халқ таълими бўлими жамоаси 33-сонли махсус мактабнинг раҳбари

Закира ЯДГАРОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Сергели туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги умумтаълим мактаблари жамоалари 33-сонли махсус мактаб раҳбари

Закира ЯДГАРОВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия билдиради.



Юртимизда физика фани ўқитиш методикасини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшган Зариф ака Исмоилов ўз касбига меҳр қўйган, жонкуяр устоз, моҳир педагог-олим эди.

Зариф бевосита жанг майдонида Иккинчи жаҳон урушининг суронли даврини бошдан кечирди. 1948-1953 йилларда Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетининг физика факультетининг имтиёзли диплом билан битириб, 1953 йилдан то умрининг охирига қадар ўзининг жонажон мактаби — Хоразм вилояти Ҳазорасп туманидаги 1-мактабда физика фани ўқитувчиси, директор ўринбосари бўлиб ишлади. Зариф аканинг дарс бериш услуби, ўзига хос маҳорати, салоҳияти шу даргоҳда намоён бўлди. У дарсларни жуда мароқли ва юқори педагогик салоҳият билан ўтар,

ўқувчилар гўё сеҳрлангандек ўтириб уни тинглашарди. Иқтидорли ўқувчиларни танлаш ва уларни физикага муҳаббатини янада оширишда жонкуярлик қилди.

Зариф Исмоилов 1970 йили "Эйнштейн нисбийлик назариясининг мактабда ўқитилиши" мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлаб, педагогика фан-



лар тўплами" китобларини битта жойга тўплаш ва уларни тартибга солиб, даражалаш ва умумлаштирилган масалалар тўплами китобини чиқаришни режалаштирмоқда эди. Афсуски, ушбу ғояни амалга оширишга ургурмади.

Эътиборлиси, Зариф Исмоилов туманда, вилоятда

Xotira — muqaddas

олимпиадаларда мунтазам иштирок этиб, энг фахрли ўринларни эгаллаб келганлар. Бугунги кунда ундан сабоқ олган шогирдлари ичида ўндан ортиқ фан номзодлари бор ва кўплаб шогирдлари физика фанидан ўқувчиларга сабоқ бериб, устози ишини давом эттирмоқда.

Зариф Исмоилов ишдаги ютуқлари учун кўплаб мукофотлар совриндори бўлди.

Хаёти, фаолияти, меҳнати билан туманда ўзига хос муносиб из қолдирган Зариф ака шогирдлари хотирасида абадий қолади.

С.ПОЛВОНОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги
ЎЗМУ доценти,
физика-математика
фанлари номзоди

БАҒРИЖЕНГ МУРАББИЙ ЭДИ

лар номзоди илмий даражасига сазовор бўлди. Мазкур илмий изланишлар натижаси бўлган "Нисбийлик назариясини ўқитиш асослари" китоби 1977 йили "Ўқитувчи"

нашриётида кўп нусхада чоп этилди. Кўплаб илмий-услубий мақолалари республикамизда ва Россия-

нинг "Квант", "Физика в школе" журналлари ва бир қанча илмий тўпламларда эълон қилинди. Маърузалари билан Республика ва собиқ иттифоқ миқёсида ўтказилган илмий-методик анжуманларда фаол иштирок этди.

Устоз шу даврда мавжуд бўлган "Физикадан масала-

биринчилардан бўлиб, Ҳазорасп туманидаги 1-мактабда физика фанини чуқур ўрганиш бўйича махсус синф ташкил қилиб, "Ёш физиклар мактаби"га асос солди. Иқтидорли ўқувчиларни танлаб фан олимпиадаларига тайёрлашга катта эътибор берди. У таълим берган ўқувчилар

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Танлов тартиб рақами: ЎМКХТД-2010

Танлов номи: Дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш юзасидан танлов

Буюртмачи: Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази.

Манзил: Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танловда банкротлик жараёнида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган ҳамда дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома (лицензия)га эга ва илгари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларини лозим даражада бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи харидорга шартномани бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши керак ва мазкур ҳужжатлар танлов ҳужжатининг II бобида келтирилган талабларга жавоб бериш шарт.

Танлов комиссияси ўзининг эҳтиёткорлик чораларидан келиб чиққан ҳолда I-бобнинг 6-бандида белгиланган тартибда танлов ҳужжатларига қўшимча киритиш орқали таклифларни топширишнинг охириги муддатини узайтириши мумкин. Бунда қатнашчиларнинг ҳуқуқлари таклифнинг охириги топширилиш муддати ўзгарган муддатга пропорционал равишда ўзгаради.

Танловга тақдим этиладиган дарсликлар ва ўқув қўлланмаларнинг рўйхати илова этилади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ва танлов ҳужжатларини харид этган нашриётлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9.00дан 18.00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармасидан олишлари мумкин. (Манзил: Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй. Телефон: (+99871)246-14-87, 246-27-11. Факс: (+99871)246-14-91).

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қуйида келтирилган махсус ҳисоб рақамига 200000 (икки юз минг) сўм миқдоридеги қайтарилмайдиган тўлов ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Танлов ҳужжатлари олинади:

Махсус ҳисоб рақами: № 20203000903761981001,
АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали,
МФО: 00423, ИНН: 202515618. ОКОНХ 92120

Барча танлов ҳужжатлари асосида талаб этилган ҳужжатлар 2010 йил 12 июнь соат 12:00га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари 2010 йил 12 июнь соат 15:00да юқорида келтирилган манзилда қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда қатнашчиларга қайтарилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази қатнашчилар томонидан танлов таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ

Танлов тартиб рақами: ЎМКХТД-2010-2

Танлов номи: адади 400 нусхагача бўлган ўқув қўлланмаларни нашр этиш юзасидан танлов.

Буюртмачи: Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази.

Манзил: Тошкент шаҳар 100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй.

Молиялаштириш: Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Адади 400 нусхагача бўлган ўқув қўлланмаларни нашр этиш юзасидан танловда банкротлик жараёнида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарзи бўлмаган ҳамда ўқув қўлланмаларни нашр этиш билан шуғулланиш учун махсус рухсатнома(лицензия)га эга ва илгари Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан тузилган шартномалар бўйича қабул қилинган мажбуриятларини лозим даражада бажара олган нашриётлар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Қатнашчи харидорга шартномани бажариш қобилияти ва малакаси борлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этиши керак ва мазкур ҳужжатлар танлов ҳужжатининг 2-бобида келтирилган талабларга жавоб бериши шарт.

Танлов комиссияси ўзининг эҳтиёткорлик чораларидан келиб чиққан ҳолда 1-бобнинг 6-бандида белгиланган тартибда танлов ҳужжатларига қўшимча киритиш орқали таклифларни топширишнинг охириги муддатини узайтириши мумкин. Бунда қатнашчиларнинг ҳуқуқлари таклифнинг охириги топширилиш муддати ўзгарган муддатга пропорционал равишда ўзгаради.

Танловда қатнашиш истагини билдирган ва танлов ҳужжатларини харид этган нашриётлар танлов эълон қилинган кундан бошлаб ҳар куни (шанба ва якшанба кунларидан ташқари) Тошкент вақти билан соат 9:00дан 18:00гача танловга тегишли қўшимча маълумотларни Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг Таълим стандартлари ва ўқув адабиётларини такомиллаштириш бошқармасидан олишлари мумкин. (манзил: Тошкент шаҳар-100095, Собир Раҳимов тумани, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй. Телефон: (+99871)246-14-87, 246-27-11. Факс: (+99871) 246-14-91).

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг қуйида келтирилган Махсус ҳисоб рақамига 200 000 (икки юз минг) сўм миқдоридеги қайтарилмайдиган тўлов пул ўтказиш йўли билан ўтказилгандан сўнг юқорида кўрсатилган манзилдан Танлов ҳужжатлари олинади:

Махсус ҳисоб рақами № 20203000903761981001, АТИБ ИПОТЕКА Банкнинг Меҳнат филиали, МФО: 00423, ИНН: 202515618. ОКОНХ 92120.

Барча танлов ҳужжатлари асосида талаб этилган ҳужжатлар 2010 йил 12 июнь соат 12:00га қадар юқорида келтирилган манзилга топширилиши шарт. Танлов таклифлари 2010 йил 12 июнь соат 15:00да юқорида келтирилган манзилда қатнашчилар вакиллари иштирокида очилади. Кечикиб топширилган таклифлар очилмаган ҳолда қатнашчиларга қайтарилади.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази қатнашчилар томонидан танлов таклифини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган харажатларга жавобгар эмас.

E'lon

БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

Юртимизда ўтказиладиган «Universiada — 2010» спорт мусобақаларига жиззахлик талабалар пухта тайёргарлик кўришмоқда. Айти пайтда терма жамоа таркибидан жой олган 127 нафар йигит-қиз 12 спорт тури бўйича вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилиш учун шай, десак муболага бўлмайди.

Жиззахликлар олдинги беллашувларда ҳам муваффақиятли иштирок этишганди. Бу сафар илгари бой берилган имкониятларни тиклаш, кўпроқ совринли ўринларни қўлга киритиш уларнинг асосий мақсади. Машгулотлар жадвал асосида Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах политехника институти ҳамда Жиззах олимпия захиралари коллежи майдонларида олиб борилмоқда. Ҳар бир спорт тури бўйича

тажрибали мураббийлар бириктирилган.

Теннис бўйича қатнашадиган талабалар тажрибали мураббий Акбар Содиков раҳбарлигида тайёргарлик кўрмоқда. Терма жамоа аъзолари тайёргарлик жараёнида Тошкент, Самарқанд, Сирдарё вилоятларидаги тенгдошлари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказди. Улар орасида Замира Турсунова, Элёр Холиқов сингари умидли ёшлар бор. Спорт усталлигига номзод ушбу

спортчи-талабалар жамоа билан биргаликда кучли учликдан ўрин олишга ҳаракат қилмоқда.

Фурқат Аҳмедов, Олим Раҳимов раҳбарлигида ҳозирлик кўраётган энгил атлетикачиларнинг ҳам шашти баланд. Ўзида иқтидорли йигит-қизларни бирлаштирган 20 нафардан иборат терма жамоанинг совринли ўринларга даъвогарлик қилаётгани бежиз эмас. Чунки спорт усталлигига номзод бу ёшлар ўртасида Осиё чемпиони совриндори Павел Вдовенко каби маҳоратли энгил атлетикачилар бор. У «Universiada — 2007»да ҳам қатнашган. 200 ва 400 метрларга

югуриш бўйича совринли ўринлар соҳиби бўлган. Терма жамоа ўшанда умумжамоа ҳисобида 5-ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлганди. Ҳозирда Азамат Берданов, Бахтиёр Раҳмонов каби спортчилар фақат юқори шохсупаларни кўзлаб машқ ўтказётгани кувонарли ҳолдир.

Терма жамоанинг ҳал қилувчи босқичларга тайёрланиши учун барча зарур ташкилий вазифалар бажарилган. Галдаги вазифа талабалар ўртасида ўтказилган спорт мусобақаларида кучлилар сафидан ўрин олиб, ёруз билан қайтишдир.

А.СОДИКОВ,
«Ma'rifat» мухбири

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мамлакатимизда пауэрлифтинг бўйича халқаро турнирлар, қитъа ва жаҳон чемпионатларида муваффақият қозонаётган ёшлар сони тобора кўпаймоқда. Бу галги Осиё чемпионатида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиздан Павел Бриндин учта, Алёна Сомова иккита, Улуғбек Дилмуродов ва Элдор Саидалиев биттадан олтин медални қўлга киритди.

— Мен нуфузли мусобақада шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилганимдан хурсандман, — дейди Осиё чемпиони Улуғбек Дилмуродов. — Юртимизда

СПОРТЧИЛАРИМИЗНИНГ ЯНА БИР МУВАФФАҚИЯТИ

спортни оммавийлаштириш, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёшларнинг барча соҳаларда бўлгани каби спортда ҳам ўз салоҳиятини намоёйиш қилиши учун етарлича шароит яратилгани биз, спортчилар эришаётган галабаларда муҳим омил бўлмоқда.

Осиё чемпионатида иштирок этган ҳамюртларимиздан Элмира Рамилёва, Маъруф Бозоров, Илҳом Бўриев ва Дмитрий Колотвинов кумуш ва бронза медалларни қўлга киритди. Энди Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари жорий йилнинг сентябрь ойида Чехияда бўладиган пауэрлифтинг бўйича жаҳон чемпионатида қатнашади.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎЗА мухбири

ШАХМАТ СПОРТИ ИСТИҚБОМАРИ

Пойтахтимиздаги Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида етук шахмат устаси, шахмат тарихи бўйича фан номзоди марҳум Мамажон Муҳиддинов хотирасига бағишланган турнир бўлиб ўтди. Турнирда тумандаги ўндан ортқ мактаблардан жами 24 нафар ўғил-қиз иштирок этди. 5—9-синф ўқувчилари ўртасидаги баҳслар ўғил болалар ва қизлар учун алоҳида-алоҳида ташкил этилди.

Турнир илк бора 2000 йили Мамажон Муҳиддиновнинг шоғирди Азиз Ёқубов томонидан ташкил этилган бўлиб, ўн йилдан буён мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда. Болаларча кувноқлик ва мурасасизлик билан ўтган баҳсларни тумандаги 279-мактабнинг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси, мураббий Г.Адиев бошқариб борди.

Қатнашчилар орасида Дилдора Қўшмуҳаммедова, Аҳмаджон Ҳакимжонов, Дилдора Алиева каби бир неча бор туман ва шаҳар мусобақалари ғолиблари республика мусобақаларида қатнашиб келаётган ёшлар ҳам бор.

Турнир натижаларига кўра қизлар ўртасида Диноза Иброҳимжоннова биринчи, Дилдора Алиева иккинчи, Дилдора Қўшмуҳаммедова учинчи ўринни эгаллади. Ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда Аҳмаджон Ҳакимжонов, Илҳом Худойназаров, Рустам Ёқубов ғолибликни қўлга киритди.

Ғолибларга ташкилотчилар томонидан Фаҳрий ёрлик, қимматбоҳо совғалар ва китоблар тақдим этилди.

Гулюз СИДДИҚОВА
Музейям БАРНОЕВА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан 2010 йилда ўқув адабиётларини чоп этиш бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов номи: Республика олий таълим муассасалари учун дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш.

Буюртмачи: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантириш маркази.

Молиялаштириш: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратилган марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов: «Бир босқичли — бир конвертли» рақобат тақлифлари танлови тартиби асосида ўтказилади.

Танловда банкротлик арафасида бўлмаган, мажбурий солиқлар бўйича бюджет олдида қарз бўлмаган, дарслик ва ўқув қўлланмаларини нашр этиш учун махсус рухсат (лицензия)га эга бўлган, камида 6 ойлик нашр тажрибасига, шартнома мажбуриятларини тўлақонли бажара оладиган ва ўзига қарашли (тасарруфдаги) ишлаб чиқариш базасига ҳамда айланма маблағга эга бўлган нашр матбаа корхоналари қатнашиш ҳуқуқига эга.

Танлов ҳужжатларини олиш учун талабгор-

ларда Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантириш марказининг (х/р 2340 2000 4001 0000 1006 Шх/в 1000 1026 2732 0507 9270 01 СТИР: 201654145 ОКОНХ 92200200 Молия Вазирлиги Фазначилиги ХККМ Марказий банк Тошкент ш. Б.Бошқармаси МФО 00014) ҳисоб рақамига 200 000 (икки юз минг) сўм ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат бўлиши шарт.

Танлов ҳужжатлари эълон чиққан кундан бошлаб 10 календарь кун давомида ҳар иш куни (шанба ва яқшанбадан ташқари) соат 09:00 дан 18:00 гача (**Манзил: Тошкент шаҳар, 100060. Шаҳрисабз кўчаси, 42-уй, Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимни ривожлантириш марказининг ўқув адабиётларини нашрга тайёрлаш бўлими, 1-қават, 114-хона**) нашриётларнинг ваколатли шахси томонидан олиниши мумкин.

Эълонда белгиланган шартларга жавоб бермайдиган тақлифлар кўрилмайдиган, танлов ҳужжатлари қайтарилмайди ва жавобсиз қолдирилади.

Алоқа учун телефонлар: **(8-371) 233-33-08, 233-34-30** Факс: **(8-371) 233-34-30.**



«БАРСЕЛОНА» — ЕВРОЛИГА ҒОЛИБИ

Баскетбол бўйича «кўҳна қитъа»да давом этаётган Евролиганинг ярим финалида куч синашган жамоалар финалчилар номига оидинлик киритиб берганди, деб ёзди «Рейтер» ахборот агентлиги.



Франция пойтахти Париж шаҳрида ташкиллаштирилган 1/2 финал баҳслари муҳлислар кутганидек шиддатли ҳужумларга бой ўтди. Ўтган йили худди шундай вазиятда Испаниянинг «Барселона»сини доғда қолдирган Москва-нинг ЦСКА жамоаси бу сафар мағлубият аламини тотиб кўрди. Каталонияликлар рақибини сезиларли фарқ билан ортда қолдирди — 64:54. Бу «Барса»нинг финалга йўлланма олганини билдиради. Унинг рақибини ҳам аниқ бўлди: Грециянинг «Олимпиакос» клуби сербларнинг «Партизан»ига қарши ўтган матчда чинакамига қаҳрамонлик кўрсатишди. Якуний натижа — 83:80, греклар — финалда!

«Барселона» ва «Олимпиакос» 2010 йилдаги Европанинг энг кучли баскетбол жамоаси номига аниқлаб берди, бунда каталонияликлар рақибларини 86:68 ҳисобида мағлуб этиб, қитъанинг энг нуфузли совринига эга бўлди.

ХОККЕЙ БҲЙИЧА ЖҲ-2010

Сўнгги йилларда хоккей жамоалари орасида Канаданинг олдида тушадигани, унга муносиб қаршилиқ кўрсатадигани камдан-кам топиляпти. 7 май куни Германияда старт олган хоккей бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатида ҳам канадаликлар ишончли ўйин кўрсатишмоқда.

Душанба куни

Мангейм шаҳрида ўтказилган иккинчи матчда Крэйг Мактэвиш жамоаси Латвия термаси устидан йирик ҳисобда зафар қўчди. Учрашувнинг дастлабки бўлимида 2:0 ҳисоби қайд этилган бўлса, иккинчи бўлимда европаликлар ўз дарвозасидан тўртта жавобсиз тўп олиб чиқишга мажбур бўлди. Икки таймда ўйин тақдирини ҳал қилиб бўлган канадаликлар учинчи бўлимда 1та шайба ўтказиб юборди, якуний ҳисоб 6:1. Жаҳон чемпионатидаги дастлабки матчда италияликлар билан рўбарў келган Канада термаси 5:1 ҳисобида галаба қозонганди. Латвияликлар эса Швейцарияга 1:3 ҳисобида имкониятни бой берган.



«ЧЕЛСИ» ВА «БАВАРИЯ» — ЧЕМПИОН

Футбол бўйича Англия премьер лигаси бош соврини ниҳоят Лондонга олиб келинди. Бу италиялик мураббий Карло Анчелотти бошқарувидаги «Челси» клубининг чемпиони бўлгани билан боғлиқ.





Англия чемпионатининг энг сўнгги туригача «аристократлар» билан ғолиблик учун курашни давом эттирган «Манчестер Юнайтед» клуби эса бу мавсумда барча совринлардан куруқ қолди. «Челси» 38-турда ўз уйида «Уиган»ни 8:0 ҳисобида тор-мор келтирди, 2- ва 3-ўринларни эгаллаган «МЮ» ҳамда «Арсенал» эса рақибларини 4:0 ҳисобида енгди.

Германия бундеслигасида ҳам чемпиони маълум, бу — «Бавария». Голландиялик мутахассис Луи ван Гаал чиндан ҳам кучли мураббий эканини яна бир қарра намоёйиш этмоқда. Инқироз кўчасига кириб қолган «Бавария» тизгини шу мавсумдаёқ қўлга олганига қарамай, мюнхенликларни бироз олдин ЕЧЛ финалига олиб чиққан бўлса, мана энди, мамлакат чемпионига айланганди. Қолган ўринларни «Шальке-04» ҳамда «Вердер» жамоалари эгаллади.

ВИНУСНИНГ ГАЛДАГИ РАҚИБАСИ

Таниқли рус теннисчиси Вера Звонарева Испания пойтахти Мадрид шаҳрида ўтказилаётган нуфузли турнирнинг учинчи раундида аталган йўлланма учун кечган баҳсда муваффақиятсизликка учради.

Ютуқ жамғармаси 3,5 миллион еврони ташкил этувчи мазкур нуфузли биринчиликда 4-рақамли ракеткачи сифатида эътироф этилаётган рақибаси америкалик Винус Уильямсга имкониятни бой берди. 1 соату 45 дақиқа давом этган икки сетлик матчда 5:7, 3:6 ҳисоблари қайд этилди. Партия аввалида Звонарева рақибасига муносиб қаршилиқ кўрсатишга ва вазиятни ўзгартиришга астойдил уринди, бироқ тажриба ва руҳан устуниликка эга бўлган спортчи Верага ҳеч қандай имконият қолдирмади. Учинчи раундда энди Винус Уильямс италиялик «ҳамкасби» Франческо Сκιαвонега қарши кортта тушади. У турнирдаги 15-рақамли иштирокчи бўлишига қарамай, ўзидан кучли рақибаси — австриялик Сибиль Баммер(6:2, 6:1)дан устун келди.



КАМАЛАК ЖИЛОСИ

Ўзбекистон Бадий академияси Марказий кўргазмалар залида "Sen yolg'iz emassan" Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Миср элчихонасининг маданият маркази ҳамкорлигида "Камалак жилоси" анъанавий болалар расмлари ва ижодий ишлари республика кўриктанловчи бўлиб ўтди.

«Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида ташкил этилган тадбирга Меҳрибонлик уйлари, Болалар шаҳарчалари ўғил-қизлари, ўқитувчилар, ижтимоий-педагогик хизмат мутахассислари, жамоат ва ижодий ташкилотлар вакиллари тақлиф этилди.

Эртак қаҳрамонларини тасвирлаш мавзусида ўтган ушбу ижодий беллашувда ёш мўйқалам соҳиблари «Энг яхши расм» ва «Энг яхши ижодий иш» номинацияси

учун икки гуруҳда – тўрт ёшдан ўн ёшгача ва ўн ёшдан ўн оltи ёшгача бўлган иштирокчилар тоифасида ўз маҳоратини намойён этдилар. Тасвирий ва амалий санъат йўналишида ҳар икки ёш тоифасида Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги 12-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Раҳмонжон Алиев, Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Жамшид Нуриддинов, Чирчиқ шаҳридаги 14-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Эркин Йўлдошев биринчи ўринга лойиқ топилди. «Тезкор расм чизиш» номинациясида эса пойтахтимиздаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Барно Иброҳимова биринчи ўринга сазовор бўлди.

2010-yil — Barkamol avlod yili

Суратларда: «Камалак жилоси» анъанавий болалар расмлари ва ижодий ишлари республика кўриктанловидан лавҳалар.

Аъло АБДУЛЛАЕВ
(ЎЗА) олган суратлар.

Ma'rifat

ТА'СИС ЕТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ та'лими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва о'рта maxsus ta'lim вазирлиги, Ўзбекистон Та'лим ва fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Баш муҳаррир:
Абдусамат РАҲИМОВ

Ташрир ҳай'ати: Жуманазар БЕК-НАЗАРОВ, Бахтийор ДОНИЙОРОВ, Хуршид ДО'СТМУҲАММЕДОВ, Баҳодир ЖОВЛИЙЕВ (баш муҳаррирнинг биринчи о'ринбосари), Акмал ИСЛОМОВ (мас'ул котиб), Маҳмуда МУРЗАЙЕВА, Елшод НАБИЙЕВ, Ҳусан НИШОНОВ (баш муҳаррир о'ринбосари), Нурлан УСМОНОВ (баш муҳаррир о'ринбосари), "Учитель Узбекистана", Алексей ЧУКАРИН (мас'ул котиб, "Учитель Узбекистана"), Са'дудлла НАКИМОВ

Газета
Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

ИНДЕКС: 149, 150. G-422.
Tiraji 40656.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:
Zilola RUSTAMOVA.
Navbatchi:
Baxtiyor YOQUBOV.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.



belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz
Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kотиb—233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-26, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda
erkin narxda

Dizaynerlar
Liliya BINASHEVA,
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.40
ЎЗА якуни — 21.00